

Dunyo
adabiyoti
kutubxonasi

Хулиё КАРТАЛ
Ешиңдинин
КУНДАЛИГИ



Дунё адабиёти кутубхонаси

ХУЛИЁ КАРТАЛ

ЁШ ҚИЗНИНГ КУНДАЛИГИ

t.me/@like_time_all_files



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2014

УЎК: 821.512.161

КБК: 87 (7)

К - 26

Картал, Хулиё

Ёш қизнинг кундалиги /Х.Картал. Таржимон: Дилфузা Шайзоқова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 100 б.

ISBN 978-9943-27-385-6

Кундалик дафтар – инсон ҳаёти, руҳий кечинма, қувонч ва изтироблари акс этган манба.

Мазкур кундалик ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Қаҳрамоннинг дард ва шодикларига шерик бўласиз. Щунингдек, ўзингиз учун ибрат ва сабоқ олишингизга умид қиласиз.

УЎК: 821.512.161

КБК: 87 (7)

Таржимон:

Дилдора ШАЙЗОҚОВА

Сўзбоши муаллифи:

Абдулла УЛУФОВ

филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти

Тақризчи:

Адҳам АЛИМБЕКОВ

филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти

Масъул мұхтаррир:

Абдумурод ТИЛАВОВ

ISBN 978-9943-27-385-6

© Хулиё Картал «Ёш қизнинг кундалиги». «Янги аср авлоди», 2014 йил

«КУНДАЛИК»НИ ЎҚИБ...

Хулиё Карталнинг ушбу китобида ўтаётган умрнинг ҳар лаҳзаларидан завқданадиган ва ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодисада сир, жозиба, ҳикмат мужассамлигини кўра биладиган таъсирчан қалбли инсоннинг маҳзун кечинмалари, ўйга толдиргувчи мулоҳазалари битилган. Унда бадиий асарлардаги сингари сюжет чизиги, бир-бири билан можаролашган қаҳрамонлар образи кўринмайди. Мазкур китобда кўнгилда кечган ўйлар баён қилинади, холос. Китобнинг бош қаҳрамони – муаллифнинг ўзи. Муаллиф – унинг асосий ва бирдан-бир қаҳрамони. Лекин ана шу якка, ягона қаҳрамон ўйлари, кечинмалари, ҳаёт ва инсон умри ҳақидаги мулоҳазалари кишини кўп масалалар хусусида ўйлаб кўришга, мушоҳада юритишга ундайди. «Кундалик»нинг аҳамияти ва эътиборли жиҳати аввало шу билан белгиланади. Аслида айни сифат, худди шу хусусият ҳар қандай асарга жозиба багишлийди. Тўрт сатрли шеърнинг ҳам, юзлаб саҳифадан иборат романнинг ҳам қадри, аслида шу фазилати, яъни ўқувчига қанчалик таъсир кўрсатишига кўра аниқланади.

Аввало муаллифнинг жумлаи жаҳонни, еру осмонни, ҳайвоноту наботот оламини яратган қудратли зотга эътиқоди, ишончи кишини ҳаваслантиради. У теварак-атрофдаги ҳар бир мавжудот, барча оламларни Яратганинг қудрати, ҳикма-

ти, гўзаллигини кўради. Миттигина майса ҳам унда ҳаёт завқи, тирикликка шукроналик ҳиссими уйғотади. Унга қараб: «Майсанинг ҳаётини кузатиб, лол қоласиз. Шу митти беғубор майса ҳаёт қийинчилекларини писанд қилмасдан, умрини хушнуд табассум билан кечиришни уддалай олади» дега мушоҳада юритади ва «Азизим, инсон тақдирига ёзилганига рози бўлиб, эришганига шукр қилишни ўрганмас экан, баҳтга етиша олмайди» деган хulosага келади. Муаллиф ўзи кузатган, гувоҳи бўлган, фикрлаши учун туртки берган, ўтаетган қунлари, атрофидаги одамлар ҳаёти ҳақида мушоҳада юритишига сабаб бўлган воқеа-ҳодисалардан шу тарзда ўзи учун сабоқ олади. Кундайлекдаги: «Неча марта тирноқ олсангиз, яна бармоқларингизда тирноқ ўсаверади. Бунда қандай каромат бор? Эт ичидан суюк, яъни тирноқ – қаттиқ нарса ўсиб чиқиши мени ўйлантирган, ҳайратга солган эди. Инсон аъзосида яна шундай ҳолат борми, дега ўйладим. Хаёлимга марвариддай тишларим келди. У ҳам юмшоқ эт ичидаги суюк сингари яратилган... Бу – мўъжиза. Ҳам ҳайрат, ҳам даҳшатга тушдим. Юмшоқ тупроқдан ўсиб чиққан дарахтлар ҳам қаттиқ. Инсон танасини хаёлимдан ўтказдим. Унинг териси остида юзлаб суюк мавжуд. Суюк ичиде эса «илик» дега номланган яна бир эт бор. Эт ичиде суюк, суюк ичиде эт... Тупроқдан дарахт ҳаёт олади, дарахтдан мева... Қандай бетакрор мўъжизалар! Шундай эмасми, азизларим?! Бармоғимдаги тирноқни кузатиб, бир неча лаҳзада шунча фикрлар хаёлимдан ўтди. Дарҳақиқат, олам – ажойиботларга тўла» каби қайдлар бошқалар учун ҳам ибрат бўла олади. Бу каби мулоҳазалар билан танишганда ҳар бир киши, табиийки, теварак-атрофдаги воқеаларга эътиборсизлиги, ҳатто ўзи-

нинг вужудидаги мўъжизаларга ҳам бепарволиги тўғрисида ўйлай бошлади. Шукронা қилиб яшашга ҳамиша беҳисоб асослар борлигини бе-ихтиёр хаёлидан ўтказади. «Кундалик»да баён қилингандан аксарият мулоҳазалар қачондир ўзининг ҳам кўнглидан кечгани, лекин уларга лоқайд қараганидан ич-ичидан хижолат тортади. Чунки «Ёш қизнинг кундалиги» ҳар биримизни қалбимизга бепарво бўлмасликка ундейди. Гийбат, ҳасад, тақаббурлик, манманлик, мансабпараматлик каби иллатларга берилиш оқибатида кўнгил қорайиши, Яратганга астойдил шукронা қилиб, синовларга бардош берганда эса кишининг қалб қандили ча-рақдаб ёниши, шунда олам мунаvvар, ҳаёт завқли, тирикликнинг ҳар лаҳзаси мислсиз мўъжизалигини эсга солади. Барча кишилар ҳам «Кундалик» муаллифи сингари бармоқларидағи тирноқлар, ердан униб чиққан майса, гул япрогидаги шабнамга эътибор қилганида инсоният ҳаёти бутунлай бўлакча кечарди. Унда «душман», «рақиб» каби сўзлар пайдо бўлмас, хавотир, кўркув, ҳадиксираб яшашга ҳеч қандай асос қолмасди. «Кундалик» муаллифи ҳаётни кузатиб, мушоҳада қилгани сингари вужудимиздаги ҳар бир аъзода, теварак-атрофимиздаги жонли, жонсиз ҳар бир мавжудотда мислсиз сир, жумбоқ ва ҳикмат мұжассам. Чунончи, одам бармоқларидағи тирноқлар ўсмай қолса, танасида қон таркиби ўзгариб, бузилар экан. Ёки англиялик микробиологлар одамнинг умуртқа погонаси – думғазаси ичидаги тариқ донаси ҳажмида бир гавҳар борлиги ва киши ва-фот этганидан кейин қанча замон ўтса-да, ана шу гавҳар чириб, йўқ бўлиб кетмаслиги, унга ўта юқори ҳарорат ҳам, турли кимёвий моддалар ҳам таъсир эта олмаслигини аниқлашди. Замонамиз олимларининг бу оламшумул кашфиёти эса бун-

дан ўн беш аср илгари пайғамбаримиз Мұҳаммад саллалоқу алайҳи васалламнинг: «Инсоннинг ҳамма аъзоси чириб, думғазасигина сақланиб қолади, инсоннинг қайта таркиб топтирилмоғига шу думғаза асос бўлур» дея қилган марҳаматлари айни ҳақиқат эканлигига илмий исботдир. «Кундалик» муаллифи кишининг кўрган, кузатган, гувоҳи бўлган, хаёлидан ўтган ҳар бир воқеа-ҳодиса аслида унинг учун огоҳликка даъват этувчи ишора, аломат эканлигини англайди. Чунки уларнинг бунёдкори, мислсиз яратувчиси борлигини қалбан ҳис қиласди. Шунинг учун «Осмон, Ер, Қуёш, Ой, юлдузлар каби санаб адогига етиб бўлмайдиган неъматлар Аллоҳнинг биру борлиги, қудратининг чексизлигини тафаккур қилишга чақиради. Қуёш ботиши, куннинг тун билан ўрин алмашши, юлдузларнинг пайдо бўлиши, яна тонг отиши каби қўзимиз ўрганиб қолган ҳодисалар эса оламнинг ягона бошқарувчиси борлиги, ундан бошқаси боқий эмаслигини иботлайди. Албатта, тафаккур қилувчилар буларнинг барини кўрганда Аллоҳни поклаб, ёд этадилар», дейди. Ҳаётнинг паст-баландини кўриб-кечирган, кўп тажриба ортирган кексалар, одатда, шундай фикр юритади. «Кундалик» соҳиби эса бундай пурҳикмат ҳақиқатларни ёшлигига ёқангандай англаиди, қалбан ҳис қиласди. Унинг бу жиҳати, албатта, кишини қувонтиради. Чунки у кундалигига: «Модомики, дунёга келган эканмиз, бу ерда бир қанча маънавий, инсоний вазифаларни ўташимиз, Аллоҳ буюрганларини бажаришимиз керак бўлади. Бунда осийлик қилганлар эса Аллоҳ газаби ва жазосига дучор бўлади. Охиратдаги баҳтли ва осойишта ҳаёт бу дунёда қилган амалларимизга, хайрли ишларимизга боғлиқ. Ўлимдан сўнг қайта тирилишга ишониш – иймон шартларидан бири. Мўминнинг

ақли билан коғирнинг ақли шу нүктада фарқла-
нади» дея қайд қиласади. Ёш қизнинг бундай те-
ран мушоҳада юрита олиши – туйгуларининг ти-
ниқдиги, фикри равшанлигидан далолат беради.
Бу эса унинг қалб қандили чарақлаб, ботинини
нурлантириб туриши, шу боис у борлиқнинг ҳар
бир ҳодисасидан теран маъно ва ҳикмат ўқиши-ю,
уқишини билдиради. «Кундалик» ўз ўқувчилари-
ни ҳамиша огоҳ, сергак бўлишга, ҳаётнинг ҳар
лаҳзасини қадрлашга, умр нима учун берилгани-
ни англашга, теварак-атрофдаги ҳар бир воқеа-
ҳодисада чексиз ҳикмат мужассамлигини идрок
этишга даъват этади. Айни чоғда ҳаётимиздаги
ҳар бир ҳодиса нимагадир ишора экани, қалби-
миз буни олдиндан ҳис этиши, лекин барчамиз
унга бепарво эканимизга ишонтиради.

*Абдулла УЛУГОВ,
филология фанлари номзоди,
ЎзМУ доценти*

МУҚАДДИМА

«Сүнгги пайтларда инсоният ўзи ижод этган китоб ва санъат асари тилига асир бўлиб, мунавар олам тилини унутгандай гўё ...»

Ўн етти ёшимдан бери ёнимда доим сирдош ҳамроҳим бўлар эди. Аслида қайга бормай, фам-қайфу, ташвиш, маҳзунлик мендан бир қадам нари кетмасди. Ҳамроҳим эса қайгули дамларимда юрагимдан ўтаётган кечинмалар, ўй-хаёлни англайдиган, ҳаёт мазмунини ундан иккиланмай сўраб оладиган сирдошим эди. Ўзимга ишониш, ўзлигимни англаш, умрим мазмунини фаҳмлашда, хатоларимни кўрсатишда ишончли кўзгу эди у менга. Бир сўз билан айтганда, юрагимдаги бўшлиқни тўлдирав, ҳаётимга мазмун киритар эди.

Бир нечта дўстим кундалик дафтар тутишар ва қалб сирларини сатрларга жо қилишар эди. Улар кундалигини ўқишимга изн беришарди. Бир нарсага ҳайрон бўлардим: кундаликда қачон, қаерда, ким билан нималар юз бергани, бошидан нималар ўтганини ёзишарди, холос. Бу – яхши. Лекин кундаликда нимани ҳис қилдинг, қандай ибрат олдинг, қандай хulosса чиқардинг? – бундай саволларга жавоб йўқ эди. Менимча, инсоннинг бошидан кечиргани эмас, балки унинг қандай хulosса чиқаргани, бу воқеалардан яхши-ёмонини ажратса олгани муҳимроқ. Мақсад – рўй берган воқеалар кундаликда қайд қилингани эмас,

аксинча ундан қандай хulosса чиқаргани, умри давомида қанчалар савобли амалларни уддасидан чиққанини ўйлашдир.

Кундалигимдаги қайдлар қалбим таржимонидир. Унда қалб сирлари баён қилинган, қалб эшиклари очилган... Кундалигимга самимият билан дил розларимни айта олсам, у ҳам менга беминнат ўзимнинг яхши-ёмон томонларимни кўрсатишга ҳозир.

Ўн тўққиз ёшимда менга озор берган қанча ёмон дўстим бўлса, баридан воз кечдим ва уйга қамалдим. Уйқусиз тунларим бошлианди. Аммо қўрқувга тушмадим. Фақат бир гапни такрорлардим: «Энди ёлғиз ўзим билан сирлашаман. Ўзимдан сўрайман ҳаёт моҳиятини. Ўз – ўзимга дўст бўламан. Мени жарлик томон бошловчи, азобга гирифтор қилувчи бундай жоҳил дўстлар керак эмас».

Бу мен учун Маккадан Мадинага ҳижрат қилишдай эди. Инсон бошига тушган ташвишлардан хulosса чиқариб, ҳаёт мазмунини англашга интилса адашмайди. Бошингизга қандай кун тушса, албатта, бунинг ё мукофоти, ё ажри бор. Бу бажарган амалларингизга боғлиқ. Мен шуни тушундим.

Ҳаётнинг яширин гавҳари мавжуд. Қанча излансангиз, ўша гавҳарга шунча яқин келасиз. Шу тариқа мен у томон интилишни бошладим. Дастрлаб қалбимни губорлардан тозаладим. Ҳаётда изланишдан тўхтадим. Ниманидир топдиму ниманидир йўқотдим. Инсон учун йўқотиш – аслида у учун бошқатдан эришиш экан. Ўзлигимни топишига ҳаракат қилдим. Шунинг учун, азизларим, йўқотишларидан чўчиманг. Сизга яна бир имконият берилади.

Йигирма ёшимгача ёнимдагилар билан бирга, бир оқимда оқдим. Менга баҳт келтирмаган, кўр-

күрона, мақсадсиз яшаш эди бу. Ҳар бир хато мени яралар, яхши фазилатларим, меҳрим, савоб амалларимни тортиб оларди, бу – мазмунсиз яшаш. Қуёш нурида эриб бораётган муз эдим. Шу ёшимда ўйлаб қолдим: «Бу инсонлар қайга боряпти?» Ҳаётда яшашдан мақсадим не экани түғрисида ўзимга жиддий савол бердим. Сабаби, ҳар жума бобом қабрини зиёрат қылгани борадиган бўлдик. Барининг якуни ўлимлигини, инсоният абадиятга даҳлдор эмаслигини фикр қила бошлигандим. Дунёдан ўтган марҳумлар қабрини кўриб, ўз охиратим, унинг савобига эришиш ҳақида ўйладим. Ҳаётнинг асл моҳиятини менга ўлим англатди.

Одамлардан ўзимни олиб қочишим шунга мажбурлигимдан эди. Чунки бу менга азоб берарди. Аммо бу телбаликдан бошқа нарса эмасди. Юрагимдаги бўшлиқ олиб келган қўрқув, маҳзунлик, тушкунлик эди. Вақт ўтиб буни енгдим. Энди кундалигимда: «Ота-онам нега мени дунёга келтирди? Мен нега бахтсизман?» каби қайгули саволларни ёзмас эдим. Қалби ўлик инсонлардан узоқлашдим. Ҳаётни сева бошладим. Даражатзор, хушбўй гуллар, қушлар сайраши, ҳатто миттигина чумоли ҳам менга баҳт берарди. Табиатга мафтун эдим. Инсон қалби англаб бўлмас шундай мўъжиза. Қалб недан қувонади? Нимадан нафратланади? Қандай орзулар қиласи? Инсонни қаерларга бошлайди?

Ҳаётдан бутунлай умидини узган камина учун борадиган биргина жой қолган эди. Мен ўша томон йўл олдим. Дунёнинг бурчаги, кимсасиз орол эмасди бу макон. Ўша маъво – қалбим эди. Чунки Аллоҳ уйи шу ердалигини тушуниб етгандим. Ўзимга берган саволларим жавобини Ундан билардим. Инсон фақат моддий эмас, маънавий озу-

қани ҳам олсагина комилликка, хотиржамликка эришар экан. Билганим сари ўргангим келарди.

Мазкур китоб эса кейинги икки йил давомида ўқиганим, кўрган ва кузатганларим, ибрат олган воқеаларим ҳосиласидир. Тан олишим керак, бу қайдларим қачондир китоб бўлади, деб ўйламаган ҳам эдим. Ҳаётимнинг бир парчасига айланган радио ва нашриётдаги фаолиятимни эътироф этмасам адолатдан бўлмас. Сабаби, фаолиятим давомида яхши дўйстлар орттиридим, ҳаётими ни англадим, ҳаётни сева бошладим.

Унутманг, азизларим! Ҳар бир синовда биз учун аталган бир маъно ва мукофот бор. Ҳаётимиз мазмуни – ким бўлиб туғилишимиздан қатъи назар, умр поёнида комилликка эришиб, бу дунёдан кўз юмишдан манзум. Инсон бир марта туғилади, бир марта яшайди, бир марта севади, бир марта ўлади. Шу бир марталик умр давомида икки дунё савобига эришиш насиб қилсин.

БИРИНЧИ ҚИСМ

КУНДАЛИГИМ ТИЛГА КИРДИ

КҮЗГУ ВА ҚҮЁШ

31 октябрь, пайшанба

Биринчи бор меҳр қўйганим – қушчам ўлганида жуда хафа бўлгандим. Унинг ранго-ранг, ма-йин патларини силашни севардим. Аммо бу се-винч мени тарк этди. Қушчам ўлиб қолди. Уни тупроққа кўмиб, устини тозалаётганимда гўё юра-гимни севинтирувчи манзаралар ниҳоясига ет-ганди. «Табиат ўзи яратди. Аммо бу нафис пат-лар энди наҳот тупроқ остида чириса» – худди шундай фикр хаёлимни чулғаб олди. Бир оздан сўнг қуёш – кўзгу экани ёдимга тушди. Қуёш – битта. У – ягона. Лекин нечта кўзгу бўлса, шунча қуёш акси пайдо бўлади. Агар фафлат босмаса, инсон асл қуёшни ажрата олади. Акс ҳолда, у кўзгудаги аксини қуёш ҳисоблаб, кўр-кўrona ҳаёт кечираверади. Асл қуёшни фарқлаган ҳолда, «Она табиат сахий. Меҳрибон қуёш бошимизда нур соч-моқда. Қушчамдан ҳам минг бор кўркам жонзот-лар, ҳатто инсон ҳам насибаси тугагач яна туп-роққа қайтаяпти. Мен эса бир қушча учун дард-га кўмилдимми? Барчамиз кун келиб, бир сиқим турпоққа айланамиз-ку!», дея ўзимни овутдим.

Хок бўлиш, тупроқда чириш... Наҳот, барча-миз ризқимиз тугагач, тупроққа айланниб, йўқ бўлиб кетамиз? Ёки ўша чириган хилқат бошқа жойда кўкариш, ниҳолга айланниб, янги ҳаёт бош-лаш учун йўл оладими? Бу фикр хаёлимга кели-

ши билан мени мавхум туйгулар чулғаб олди. Балки мен бетакрор манзара, ўлмас асар яратсам – унинг унутилиб кетишига йўл қўймасдим. Уни имкон борича асраб-авайлардим. Туйгуларим, ҳаётий кузатишларим ифодаси бўлган сатрларни муҳофаза қиласдим, эҳтимол. Шунинг учун мени ноҳушалик қамраб олгандир. Албатта, Аллоҳ таоло бу бетакрор асарларни йўқлик қаърига мавҳ қилас. Бирор рассом ойлар давомида яратган санъат асарини кун келиб оловга отиб ёқиши уволдан бошқа нарса эмас. Аммо коинот уволни тан олмайди. У ризқи тугаган гўзалликнинг чириб, йўқ бўлиб кетишига йўл қўймайди, балки бошқа оламда сизга завқ бериши учун тирилтиради.

Аллоҳ таоло каромати билан жамики жонзот насибаси адо бўлгач, бу дунёни тарк этади. Аммо бизга баҳт берувчи бир нарса борки, ҳаёт шу билан тамом бўлмайди. Аксинча, бу ўлим савоб амалларингиз билан абадий ҳаётга қўйган биринчи қадамингиз саналади.

Күшчам ўлгач, ундан сўнг яна иккита қушни парвариш қилдим. Мана ҳозир шу қушчалар чуурлашаяпти.

«Ана! Роббим бирини олди, ўрнига мукофот тарзida жуфт берди», – дедим. Азизим, инсон учун бундан ортиқ баҳт борми?

Мехрибон қуёш ҳамон бирдай нур сочмоқда. Нимасинидир йўқотган инсонга гўзал сабри учун ундан-да яхшироқ мукофот берилади. Ҳаётнинг янги жилваларини кўрасиз. Қалбинги зиёга тўлади. Ҳаётни сева бошлайсиз. Кўнглингизда янги умидлар уйғонади...

Кўзгу синиши мумкин. Чунки унинг ортидаги илоҳий гўзалликни пайқаш қалби уйғоқ инсонларга насиб этади. Янги кўзгуда янги гўзалликни кўрасиз. Дунё ҳаваслари кўзгусини синдира ол-

сангиз, охират саодатига эришасиз, асл моҳиятни мазкур күзгуда ёрқинроқ күриш баҳтига муяс-сар бўласиз.

ҚАЛБИНГ УМИДИНИ СҮНДИРМА

8 ноябрь, 1996 йил, жума

Осуда тун поёнига етиб, жума тонгини қарши олаяпмиз. Атрофни қуюқ туман қоплаган. Шу сабаб теваракни кўриб бўлмайди. Денгизда кемалар ҳаракати вақтинча тўхтатилди. Манзарани кузатар эканман, хаёлимга галати ўхшатиш келди. Инсон кундалик режаларини ҳавонинг ҳолатига қараб белгилаши ҳақида ўйлар эдим, яъни инсон руҳияти табиат шартларига кўра ўзгарида. Ёмғирли кунларда ўзимни маҳзун, совуқ кунларда нохуш, ҳаво очиқ кунларда баҳтли ҳис қиласман...

Кечадан буён кема қўнғироғи эшитилар ва бу эса туманли ҳаводан барчани огоҳ этарди. Ҳар доим бундай манзарани кўз олдимга келтирганимда: «Ичимдаги туман ташқаридаги тумандан қуюқроқ», дер эдим ўзимга.

У бетўхтов огоҳлантириш юбормоқда: «Диққат! Қуюқ туман! Қоидаларга риоя қилинг! Ҳаёт – азиз!»

Ҳа, ҳаёт синови шу экан. Ташқаридаги одамларни тумандан тўхтосиз огоҳлантирилаётганидек, виждан, рух, кўнглим доим мени сергак бўлишга чақиради. Менга хабар юборарди. Улар: «Нафсинг туфайли қуюқ туман қоплаб олди. Атрофни яхши кўра олмаяпмиз. Савобдан узоқлашацияпмиз, – дейди.

Улар рост сўзлашади. Қалбимни дунё ҳаваси эгаллаганки, мен фафлатдаман. Коинот, мунав-

вар олам яратувчиси парвардигорни эслашдан йироқман. Менга дунё ҳою ҳаваслари, дунё ташвишлари бўлса кифоя.

Шу қуюқ туман туфайли қанча автоҳалокатлар содир бўлади. Бирор машинасига ёқилғи олиш учун кетаётиб, одидаги жарликни кўрмай қолди ва шу жарликка қулади. Оқибатда, у дунёдан кўз юмди. Бунга ўхшаш нохуш ҳодисаларни кўп эшиштамиз. Кўзимни шира босиб, икки қадам олдиндаги жарликни кўрмаяпман. Мен ҳам охирида ҳалокатга юз тутаманми?

Туман туфайли кўча чироқлари нури кўринмаяпти. Нафсим сабаб асл зиёни мен ҳам илгай олмаяпман. У ҳолда охират саодатига қандай эришаман? Ота-онамни қандай рози қиласман? Менинг бахтим шундамасми, сирдошим – кундалигим? Туман тарқаб, ўзлигимни англашни истайман. Виждоним нолалари туман ичида йўқ бўлиб кетмайди. Қалбим умидларини сўндирамайман. Бунга йўл қўймайман.

«Қалбингга қулоқ тут. Қалбинг истакларини ўлдирсанг, қалбинг ўрнида бир парча эт қолади. Ҳаёт синовлари, бўронларини енгиб, қалбингга қайт. Қалби гўзал инсоннинг ўзи ҳам гўзалдир. Қандай аҳволда бўлма, у сени ёлғиз қолдирмайди. Ёлғизлик – азоб. Яхши дўст азобдан қутқарди. Яхши дўст соҳиби бўласан. Шуни асло унумта!»

ҚИШГА ҲАМНАФАС БАҲОР

24 марта, 1997 года, душанба

Тўпқопи (зиёратгоҳ) томон кетмоқдаман. Автобус йўлга тушганига 10 дақиқа бўлди. Ойнадан манзарани томоша қилиб бораардим. Кейин толикиб бошимни ўриндиққа ташладим. Бироз ўтиб, кўзимни очдим ва яна ташқарига назар ташладим. Нимани кўрдим, денг! Қор ёғаяпти. Табиат уйғониб, эндикина баҳор кириб келган, гуллар очила бошлаган эди. Бўй чўзаётган гулларни оқ рўмол ила ўранганди гўё.

Бу худди оғзи ошга етиб, энди баҳтга эришган одам бошига яна кулфат тушгандаги қайфуни эслатарди. Бу билан қувончингиз сизни тарк этмасин. Яна қуёш нурини сочади ва қорлар эриб кетади. Инсон қанчалар ўқиб-изланмасин, яхшилик ортидан югуриб-елмасин, агар нафс қулига айланса, савоблари мана шу қор каби эриб кетади.

Қор ёғаётганда сафарга чиқишини соғинган эдим. Қор парчалари атрофни қоплашда давом этар, баъзилари ойнага тушиб, эриб кетарди. Ажойиб манзара. Ҳаво жуда гўзал. Бир неча бекатдан сўнг манзилга етаман. Мана, манзилга яқинлашиб қолдим. Ҳаёт йўлининг болалик, ёшлиқ, кексаликbekатлari. Баҳтни сўнгги bekатdan topamizmi, aжабо?

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, КЕЧА ҲАМ...

5 апрель, 1997 года, шанба

Аввал ёзган хотираларимни тартибга солар эканман, 1993 йил 30 сентябрда қайд қилинган сатрларга кўзим тушди: «Тирноғим учидан, сочим

толасигача маҳзунлик чулғаб олган. Кече бола эдим, жуда шўх бола. Бугун эса улгайдим. Ерга урса, кўкка сапчийдиган бола эдим. Саратон жазирамасида ҳам устимни лой билан чаплаб юрар эдим. Қани ўша кунлар? Севимли ўйинчоқларим, жажжи коптоқчаларим. Катта коптот сотиб олишга доим пулим етмай қоларди. Боғда отам қуриб берган аргимчоқлар қани энди? Дараҳтдан териб тушган анжирларга нима бўлди? Болалигим кўз очиб юмгунча ўтиб кетдими? Қачон улгайишга улгурдим? Наҳот вақт ўз ҳукмини ўтказганини сезмаган бўлсам?

Яхшиямки, абадият бор. Шукрки, коинотни яратган меҳрибон Зот бор. Акс ҳолда мен бу синовларга қандай бардош қилардим? Севимли инсонларимдан айрилганимда ўзимни қандай овутардим? Абадият бўлмагандага гўзаллик завол то-парди. Дардимга дард қўшилиб, қалбимда маҳзунлик ҳукмронлик қиларди. Дунё ҳаваслари билан бебаҳо умримни шамолга совурадим. Ҳолбуки, яхшиларга абадий жаннат ваъда қилинган. Шунингдек, мен суйган инсонлар ёнимда бўлади. Бу дунёдан айрилиш, ҳаётдан кўз юмиш абадий жаннатга етишдаги илк қадам саналади. Аллоҳ таоло мўминларни севади. Бунинг учун ўтган умрингиз ва ўлим қайғусига тушиб ачинманг.

Дунёда инсон юрагини вақт ва ўлим ўртайди. Лекин биз вақтдан унумли фойдаланиб, ҳар лаҳзани ибодат билан ўтказиш имкониятига эгамиз. Шу тариқа вақтимиз беҳуда ўтмаганини англаймиз ва афсусланмаймиз. Устига устак дақиқа сайин чин саодатга яқинлашамиз.

Вақт ва ўлимни кўпроқ қадрладик, ўзимиз орзу қилдик. Дақиқалар ўтган сайин Роббим шафқатига сазовор бўлиш истаги ушалмоқда.

Жаҳаннам оташидан қўрқмаймиз. Чунки дўзах оташи бизга фақатгина:

– Эй мўмин, тезроқ ўт. Иймонинг шуъласи оташимни сўндираяпти, – дейди.

Ичимиизда дўзах оловини сўндира олувчи бир зиё бор: Бу – иймон зиёси. Доим шу шуълага интиламиз.

Ипак қурти «дунёнинг охири» деса, Яратган «капалак» дейди. Бу дунёда ипак қурти бўлсак ҳам, чин дунёда энди дунёга келган капалакдаймиз. Ҳар бир ниҳол ўз келажагини тушида кўради ва «Эртанги кун бизники» қўшигини куйлади.

ГУЛ ВА КУЛ

28 июнь, 1997 йил, душанба

Умр поёни, ўлимга доир баъзи ўйларимни қоғозга туширай, дейман. Шуни кутаман. Қоғоз менга қарайди, қалам қўлимга. Нечун вужудимни бу иккиланиш қамраб олди, билмайман. Хаёл мени узоқларга етаклайди. Қизиқ, одамзод ўз хаёлида нималарга эришмайди, дейсиз. Аммо, ҳамма вақт ҳам хаёл ҳақиқатга айланавермайди. Бекорчи хаёлга берилишдан эса наф йўқ. Маънавий олами бекорчи хаёллардан қутқармасам шундай иккиланиб ўтавераман, шекилли. Чунки мен учун маънавий олам бой ва гўзал бўлиши асосий ўринда туради. Айтинг-чи, маънавий дунёсини бойитиб, фафлатдан қутулишда инсон учун бундан қулайроқ йўл бормикан?

Шундай йўл борки, кундалигимни ilk сатрла-ридаёқ уни сизга англатишга уриндим. Энг яхши йўл қўрсатувчи ва фикрга чорловчи йўл бу – ўлимни ўйлаш ва эсдан чиқармаслик. Сизни таҳлика-

лардан олиб чиқувчи, иккиланишлардан халос қилувчи, маънавиятингизни бойитувчи шифобахш гиёҳdir у. Дунё ташвишлари елкангизни тоғдай босиб қолса, ўзингизни оғир ҳис қилганингизда у:

– Ҳой! Ўзингга кел! Қаерга йўл олдинг? – дея сўзлаб, сизни фафлатдан уйғотади. Ўлимни тез-тез ёдга олувчи инсон ҳаётда баҳтли яшайди. Сабаби, камроқ хато қиласи ва ҳаётини мураккаблаштиримайди. Ўлим ҳаёт синовларининг энг яхши давосидир. Азиз умри давомида нималарга эришиди, йўқотганлари ва топганларининг сарҳисоби... Ўлимни эслаб турувчилар ана шундай баҳтга эришади. Хатоларидан афсусланади, инсонлар кўнглини олади. Ахир дуо олtingга teng, дуо инсонни фалокатлардан асрайди. Бундай инсон ҳаёти давомида олдига буюк мақсадларни қўяди.

Ўлим фариштаси бир куни ёнингга келиб:

– Вақт бўлди! – дейди.

Ўша лаҳзада мол-давлатинг, неча ёшдалигини, бажарилмаган ишларинг, севимли меҳрибон инсонларинг, оила, орзу-умидларинг... Энди уларнинг аҳамияти қолмайди. Барини ташлаб кетасан. Ҳатто ўзингни ҳам. Ўз тананг сенга итоат қилмайди. Шутариқа дунё билан барча моддий муносабатларинг узилади. Сен тупроқ остида мангу уйқуга кетар экансан, қуёш уйқудан бош кўтардими, тун ботдими, севган қўшифингни куйлашяптими, ёқтирган таомингни тайёрлашяптими, энди ҳеч бирининг сен учун маъноси йўқ. Тириклар дунёсида нималар бўлаётгани сен учун аҳамиятсиз. Асосийси, энди сенинг қабрдаги аҳволинг, қандай кунлар ёзилгани... Ё бирор бўстондасан, ё тиканзорда. Ё гулга айланасан, ё кулга. Жони танини тарк этишини ўйлаган охират сафарига фафлат уйқусидан уйғониб ҳозирлик кўришади. Токи, у ҳам бўстон соҳиби

бўлсин. Сафар сўнггида бажарган амалларига қараб, ё саодатига эришади ё разолатга. Ҳар ким ниятига яраша ўз ажрини олади.

БИР ТАКЛИФ ТЎҒРИСИДА

20 июль, 1997 йил, якшанба

Ўтган ҳафта ишдан чиқиб, уйга қайтиб келаётганимда телефон жиринглаб қолди. Бу жаноб мени аввал ҳам икки марта йўқлаганди. Ахлоқи гўзал Гунайд Суавий дўстларига меҳрибон. Унинг қўнғироқ қилишидан мақсади мени Ҳарика шаҳрига таклиф этиш эди. Ажойиб дўстлари билан таништирмоқчи экан.

– Ишларим кўп. Мендан ранжиманг, – дея қиласлан эътиrozларимни инобатга олмади. Келишимни қаттиқ илтимос қилди. Мен ноилож рози бўлдим. Эртаси куни поездга чиқиб бир яrim соат ичида Ҳарика шаҳрига етиб бордим.

Тўрт кун давомида меҳмон бўлдим ва ҳозир «Яхшиям таклифни қабул қилган эканман» дея ўзимдан мамнун бўлдим. Чунки, яхши дўстлар ортиридим. Саховатли кишиларга нисбатан яна бир карра меҳрим ошди. Айниқса, Жунайд оғанинг:

– Азизим, сизга ажойиб неъмат берилган. Мен бу неъматни сарф қилишдан кўра, бошқалар билан баҳам кўришни истайман. Осуда ҳайтимизга шукrona айтиш лозим, – деган сўзлари менга фоят таъсир қилди.

Бугун ҳамма бойлик ортидан қувишга тушган бир замонда ризқи, севинчини бошқалар билан баҳам кўришни истаган бу инсоннинг гўзал қалбига тасанно айтиш лозим. Бу инсон орзуси – яхшилар дуосини олиш, Аллоҳ ризосига эришиш-

дан иборат, холос. Одамийлик йўқолмаслиги учун мана шундай яхшиларни асрамоқ лозим.

МАЙСА БАФРИДАГИ ТАБАССУМ

27 август, 1997 йил, чоршанба

Баъзан кичик майса ҳам сенга ҳаёт ва яшаш зав-ки, тирикликка шукрони, меҳр туйғусини бера олади. Деворлар атрофида, бир сиқим тупроқ тагидан бош кўтарган майса қанчалар митти ва беғубор.

Афсус шундай гўзаллик оёқ остида. Ҳаётга умид бағищловчи майса. Унинг ҳаётини кузатиб, лол қоласиз. Митти ва беғуборлигига қарамай, майса ҳаёт қийинчилкларини писанд қилмайди. Бўрону довуллардан чўчимасдан умрини хушнуд, табассум билан кечиришни уddyалай олади. Азизим, инсон тақдирига ёзилганига рози бўлиб, эришганларига шукр қилишни ўрганмас экан, у баҳтга етиша олмайди.

ЎЗИМНИ АЗОБГА ТАШЛАШ

1 сентябрь, 1997 йил, душанба

Эминўғлида чиққан кемам 15 дақиқадан сўнг Кадикўй манзилига етиб келди ва лангарни ташлади. Йўловчилар пастга туша бошлишди. Шу пайт олдинги йўлакда шовқин кўтарилиди.

– Денгизга одам йиқилиб кетди, – дея қий-чув қилишарди.

Барча ўша жойдан кўз узмайди. Чўкиб кетмаслигини тангридан сўраб, чин дилдан мўъжи-за кутардилар. Улардаги хавотир мени ҳам-раб олди. Жонига қасд қилган кимса 40 ёшларда-

ги бир аёл эди. У денгиз бағридан қутила олмас, тох-тох сув юзасида боши күриниб қоларди. Мен ғалати бўлиб кетдим. Чунки қаршимдаги инсон ўлим билан олишар эди. Бир балиқчи аёлни қутқаришга шошилар, денгизга тўр ташлаб, уни тутишга тиришарди. Узоқ уринишлардан сўнг, у хаёлни ўлим чангалидан қутқарди. Барча енгил нафас олди, баъзилар ўз йўлига кета бошлади. Одамлар тарқалди. Бир ёш йигит эшитиладиган қилиб шундай деди:

– Аёлни қутқазган кимсага у жон қарздор бўлиб қолди. Ҳайронман, жонга қасд қилишни нима кераги бор эди? Одамзод қизиқ-да?

Ёш йигит биргина савол берди. Аммо мени саволлар уммони ўраб олган эди:

– Агар аёлни қутқариб қолишимаганида, аёл бирордан қарздор бўлиб қолмасми? Яратганинг розилигига эришиш учун ҳаётимизни қай тарзда идора қилиш даркор? Билмай хато қилиш ажри камроқми? Билиб туриб хато қилган банданинг гуноҳи оғирроқми? Бу синовларга инсон қаердан бардош олсин? Ахир инсон жони темирдан эмаску?! Ё сабрли инсонлар Аллоҳнинг суюкли бандасига айланадими?

Рост, балиқчи бўлмаганида ҳалиги аёл тирик қолиши даргумон эди. Агар мен шу хотираларни китоб ҳолида эълон қилмаганимда, сиз бу воқеадан бехабар қолардингиз... Мана шу, яъни «Агар мен бўлмаганимда шу муаммо ечим топмасди» деган фикр, ўй-хаёл одамзодни барини унтишга мажбур қиласди. Ҳатто, бизга ким ҳаёт инъом қилгани, ким олдида қарздорлигимизни ҳам унутамиз... Моҳиятдан узоқлашамиз, дунё ҳавасларига бериламиз ва хато қиласмиз... Дунёга келиб биздан қандай яхши ном қоссин?... Бу ўзимизни билб туриб азоб денгизига ташлаш эмасми?

РУҲ ВА НАФС

(Икки гарид ошиқ)

25 ноябрь, 1997 йил

Фаолият олиб борадиган иш жойим – радио эшиттиришлар маркази Янгибоснада (жой номи) жойлашган эди. Мазкур маскан саноат ишлаб чиқариш ҳудуди бўлиб, ҳар қадамда завод ва фабрикага дуч келасиз. Барчасининг дарвозасида бир хил ёзув учрайди! «Диққат! Қопогон ит бор!». Аслида бу ёзувга ҳожат йўқ. Дарвоза ортида баҳайбат қучукнинг вовуллаши «Мен шу ердаман» деганини англатади. Бу барака топкур жониворлар фабрика ёнида ўз иши билан жимгина кетаётган кишиларни ҳам чўчитади. Қалин занжирларини шиқирлатиб, ваҳимали вовуллаб, ортингиздан сизни кузатиб қўяди. Шунинг учун фабрика ёнидаги 10 дақиқалик йўлни 5 дақиқада ортда қолдирганингизни билмай қоласиз.

Бир йил бурун фабрика ёнидан ўтаётган эдим. Кўча бошидан ғалати товуш эшитилди. Нималар бўлаётганини англағунимча, қаршимдан баҳайбат, зотдор ит югуриб чиқди. У ёнимдан шамолдай ўтиб, ҳалиги овоз келган томон югуриб кетди. Эътиборимни жониворнинг югуриши тортди: нафис қадамлар билан, тили осилган ҳолда, жадал қадам ташларди. Ким билсин, бояги товушни эшитгунича кулбасида нималар қилди экан? Суяк кемираётганимиди ё ухлаётган? Аммо ҳуштак овози, соҳибининг товушини эшитар-эшитмас барини ташлаб, у томон югуриб бормоқда.

Эгасининг чақиргани итга хуш ёққанди. Сабаби, унинг меҳрибони бор – ҳаётининг мазмуни шундан иборат ва, асосийси, соҳиби уни ардоқларди. Кимдир сизни йўқлаши, менимча, сизнинг

кимгадир азиз эканлигингиз ва кераклигингиз ифодасидир.

Мен шу қучук ўрнида бўлганимда, балки соҳибим чақириғига эътибор бермас, олдимдаги суюкни кемирар, кулбамда ўйинимни давом эттирадим. Аммо бир ўй юрагимни зирқиратди: Яратган Худойим белги берганида, яхшиликка чорлаганида мен умрим давомида бояги қучукдай шошилиб, ҳаяжонланиб ёнига интилмаганман. Аzon айтилганда, Яратган Эгам бандасини неча бор чин саодатга чақирганида билмайман мен нималар билан машғул бўлганман? Дунё ҳаваслари ортидан елиб-югуришга эса вақт топганман. Ҳақиқати йўқ сохталик. Ишингга омад қулиб боқса гўё барча орзуларинг ушалгандай.

Дунёвий ҳаваслар менинг ўйинчоқларимга айланганди. Ёш бола ўйинчоқлари билан вақтинча овунганидай, мен ҳам ўзимни бир муддат овутардим. Виждоним ҳаловат топиши учун шу ўйинчоқлар билан ўзимни чалғитардим. Ҳаёт менга ато қилган ширин орзулар ортидан эргашардим. Нафсимнинг маънавий оламини ухлатиш учун айтилган аллалар, эртакларга шунчалар ўрганганд эдимки, уни тарк этишни истамасдим. Аzon чақиригини эшиттагач, шу аллалар оғушида қолиб, неча бор: «Кейин келаман, вақт бор-ку», деб қайтиб кетардим. Дунё завқи кўзимни кўр қилиб қўйгани шу бўлса керак-да...

Шайх Саъдий шундай таъкидлаган эдилар:

«Чиройда инсон энг шарафли мавқеда яратилган, дейишади. Аммо Аллоҳга итоат қилган қучук ношукур одамдан афзалроқдир». Бу ҳақиқатни барча тан олади.

Шайх Саъдийнинг юқоридаги гапи фикрларимни тўлдиради. Демак, ҳар ким ишини ақлга мувофиқ адo этмоғи хайрлидир. Ақл қабул қилмай-

диган ишдан яхшилик дунёга келмайди. Ақлга қарши иш қилиш – нафсга эргашиш. Нафсига эргашган банда жаҳнаннамга тушишига Аллоҳ фаришталарини гувоҳ қилди.

Инсон учун энг буюк душман – нафс. Нафс ёмонлигидан омон қолиш учун ақлға қулоқ солмоқ, ақл ҳукмига бўйсунмоқ керак .

Ахир Аллоҳнинг борлиги, бирлиги ҳам ақл билан танилади. Аллоҳ раҳмати ва барокатига инсон ақл билан етади. Нафсига бўйсунса тўғри йўлдан адашади, холос. Мусулмон бўлгани ҳолда, нафсига қул аҳмоқлар ҳам бор.

ОҚ ВА ҚОРА

27 декабрь, 1997 йил, шанба

Бир авлиё тўғрисидаги китобни ўқиётганимда, қарама-қарши фикрлар исканжасида қолдим. Китобда авлиёнинг ҳаёт тўғрисида шундай фикрлари келтирилган:

«Ҳаёт қанчалар ғалати. Бир шаҳарда ҳам маърифат, ҳам разолат ҳукмрон. Бир инсон бу ерда ҳидоятга кириш, жаҳолат ботқоғига ботиш учун ҳам турли восита ва имкониятларни топа олади».

Бу гапда асос бор. Бир шаҳарда масжид, мадрасалар бўлгани каби, улар қаршисида майхона ҳам жойлашганини кўрганмиз ёки кутубхона, илм даргоҳлари рўпарасида қаҳвахона, кўнгилоchar марказларга дуч келиш мумкин. Та什қи чирой соҳиби бўлишни истаганлар учун гўзаллик салонлари, мода уйлари, косметология марказлари мижозлар хизматига ҳозир. Ички дунёсини бойитмоқчи бўлганлар учун эса илм марказлари ва китобхонлар клуби фаолият олиб боради.

Оёқларимиз бизни ниятимизга яраша ё яхши, ё ёмон ерларга бошлайди.

Бутун дунё шундай қарама-қарши ҳаёт билан тўла. Бири иккинчисини тўлдиради. Ёмонга дуч келмагунча, яхшининг қадрига етмаймиз. Яхши-ёмон, тўғри-хато, фойда-зиён, кундуз-кеча, иссиқ-совуқ, оқ-қора, кулгу-қўзёш, ширин-аччиқ, фаолсуст, савоб-гуноҳ, иймон-куфр...

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Асосийси, инсоннинг яшашдан мақсади – кимлиги-ни билиб кетишдир. «Эзгу ниятлар учун интилиш, шунга яраша умр кечириш, меҳнат қилиш – яшашдан асосий мақсадим», дегувчиларни ҳурмат қиласман.

Одам бу дунёда уч мақсад сари интилади у эса тўрут восита орқали қўлга киритилади. Бу уч мақсад:

1. Яхши турмуш кечириш.
 2. Бойликни сақлай билмоқ.
 3. Охират савоби учун савобли ишлар қилмоқ.
- Бунга эришишга имкон яратувчи тўрут восита:
1. Ҳалол меҳнат билан мол тўплаш.
 2. Бойликни сақлай билмоқ.
 3. Давлатни исроф қилмасдан ишлатмоқ.
 4. Ёмон ишлардан иложи борича тийилмоқ.

Яшашдан мақсади бўлмаган инсон нима қиласди яшаб?! Бошида мингта ташвиш, лекин ибодат қилиш ташвиши йўқ. Аслида бенамоздан қочар экан, ҳатто шайтон ҳам. «Кексайганимда ўқиб, фарзимни бажараман», дейди гумроҳ бандалар. Ёки уни масжидлар қаршисида очилган замонавий қаҳвахона, майхоналар ўзига асир этдими?

Тўғри, ҳам тирикчилик, ҳам фарзанд тарбияси, ҳам ибодатни эплаш қийин. Тўрут нафар фарзандли оиласда беш маҳал намозни канда қилмаслик учун қандай ишда ишлаш керак? Кундузи

оиласини боқиши учун ишламаса, норасидаларни оч қолдириб, касал қилгани эвазига ўқиган на-мозларининг савоби инобатга олинармикан? Ило-жини топса, барчасини эпласа бўлар... Лекин ҳам-мада ҳам имкон йўқ. Нима бўлганда ҳам барча-нинг инсофини ўзига берсин.

Дунё ва охират мувозанатини сақлаган киши мўминдир. Дунё – охиратни топиш учун керак. Ўлимни кўп ёдга олиш бизни гафлатда қолишдан сақлади. Эртага нима бўлиши ёлғиз Роббимга аён. Яқинларимизни яхши қўришимизни бугун айтишимиз, бугун савоб қилишимиз, бугун ибо-датда, ота-она хизматида ва дуосида бўлишимиз лозим. Токи, эртага кеч бўлмасин, азизим.

Ўлимдан кейин тирилишга ишониб, доим жан-нат неъматлари учун интилиб яшаш лозим. Ҳаёт қарама-қаршиликлардан иборат. Оқ ва қора кун, қайси бирини танлаш ўзимизнинг илмимизга ҳавола. Фоний дунёда боқий охиратдаги қисмат-ни ихтиёр этганлар Аллоҳ муҳаббатига сазовор бўлишади. Нафсни тийиш орқали инсонлар му-ҳаббатига эришилади.

БАХТНИ УЗОҚДАН ИЗЛАМАНГ

10 январь, 1998 йил, шанба

Ёлғизликда яшаб, ҳаётда меҳр кўрмаганлар доим ўзи учун бир олам яратиб олишади. Улар бу оламга беминнат меҳр ва муҳаббатни жо қилади-лар. Ўз қалбларида ҳақиқий севгини кашф қили-шади.

Бахт узоқда бўлса, кишининг ўз бахтини топи-шига бардоши етмасди, менимча. Иқболини узоқ-дан излаганлар ҳаётдан тез чарчайдилар, ҳаёт

мазмунини тополмайдилар. Аслида баҳт инсоннинг ўзида, унинг ёнгинасида...

Чин севги, меҳр инсонга илоҳий куч-қудрат инъом қиласи. Чин севгини англамаганимда ва шафқатсизларга дуч келганимда бу кучни қайдан олардим? Юрагимни меҳрсиз кимсаларга топширилармидим? Жоҳилда меҳр бўлмайди. Унга эргашсам, мени жарликка қулатади-ку?!

Инсоннинг ҳаётда энг кўп интилгани бу – баҳт бўлса керак. Унинг борлигига ишонишмаса, шубҳасиз одамлар яшашдан мазмун изламай қўйишади.

Дунёга меҳр қўйиш барча хатоларнинг бошидир. Аллоҳ таолодан бошқасига умид боғламаслик лозим. Не муродинг бўлса, факат Ундан истава Ундан сўра. Сенга келадиган бир зарарни еру кўк аҳди бир жойга тўпланиб, ўнгламоққа киришсалар ҳам ўнглай олмас.

Фойдасиз сўзларни сўзламаган кишининг қалби нурга тўлади. Баҳт ҳам шундай! Уни узоқлардан излаб, азиз умрингизни сувга оқизманг. Баҳтимиз қалбимизда. Қалб Аллоҳ таолонинг уйи саналади. Қалбимизга қулоқ соганимизда, мудом баҳт ва меҳр бизга ҳамроҳ бўлади. Барча ишни Аллоҳ ризоси учун қилган бандадан Яратган Эгам марҳаматини дариф тутмайди, иншааллоҳ.

ЭТ ВА СУЯК

17 январь, 1998 йил, шанба

«Эт ичида суяк, суяк ичида эт». Бир-бирига занжирдай улашиб кетган хаёлларим хulosаси эди юқоридаги фикр.

Дастлаб бармогимдаги ярадан кўз узолмай қолдим. Тирноқ олаётгандан эътиборсизлигим туфай-

ли ўйиб юборибман. Энди кузатсам, тирноғим кун сайин ўсајапти ва ҳалиги яра ҳам битмоқда. Мени ўйга толдирадигани шуки, неча маротаба тирноқ олсангиз, яна бармоқларингизда тирноқ ўсаверади. Этни тирноқдан айириб бўлмайди. Бунда қандай каромат бор? Эт ичидан суяқ, яъни тирноқ, қаттиқ нарса ўсиб чиқиши мени ўйлантирган, ҳайратга солган эди. Инсон аъзосида яна шундай ҳолат борми, дея ўйладим. Ҳаёлимга марвариддай оппоқ тишларим келди. У ҳам юмшоқ эт ичидаги суяқ сингари яратилган... Бу – мўъжиза. Ҳам ҳайрат, ҳам даҳшатга тушдим. Юмшоқ тупроқдан униб чиққан дарахтлар ҳам қаттиқ. Инсон танасини хаёлимдан ўтказдим. Инсон териси остида юзлаб суяқ мавжуд. Суяқ ичидаги «илик» дея номланган яна бир эт бор. Эт ичидаги суяқ, суяқ ичидаги эт... Тупроқдан дарахт ҳаёт олади, дарахтдан мева... Қандай бетакрор мўъжизалар! Шундай эмасми, азизларим?!

Бармоғимдаги тирноқни кузатиб, бир неча лаҳзада шунча фикрлар хаёлимдан ўтди. Дарҳақиқат, олам ажойиботларга тўла.

Кўнгил уйи боф, тану жонимиз соғ бўлса, шу албатта баҳт эрур, азизим.

Ҳар бир субҳи тонгни ўз ҳаётинг ибтидоси, деб бил ва қуёшнинг ҳар бир ботишини ўз ҳаётинг интиҳоси, деб тушун. Шу кундалик қисқа ҳаётинг қандайдир хайрли иш билан, ўз устингдан бирор-бир ғалаба қозонишинг ёки ниманидир ўрганишинг билан нишонлансин. Ҳаётда биз икки юмушдан бирини амалга оширамиз: ё баҳорда экамиз, ё кузда тиланчилик қиласиз.

СЕВИШГАНЛАР КУНИ

14 февраль, 1998 йил

Бугун севишганлар куни экан. Йилнинг 365 кунининг ҳар бирига инсонлар ўзларича ном бериб чиқишиган. Ўтган йил дўстларим даврасида шу суҳбатнинг гувоҳи бўлган эдим:

Севишганлар кунида бир дона атиргул нархи осмонга кўтарилиб кетаркан. Бу йил ким билсин, нарх-наво қандай бўлади? Европада бу кунда гулчилар дўконида гул бир дона ҳам қолмай, барчаси сотилиб кетаркан. Чўнтағи бўшлигидан севгилиси учун гул сотиб ололмаганлар ўзини фариб сеziшса керак.

Ўтган кунларимни ёдга олиб туғилган кунимда, севишганлар кунида менга гул тутувчи азиз инсон йўқлигидан хафа бўлганимни ўйладим. Ўша байрам кунлари бориб, ўзим учун гуллар сотиб олар ва хотираларимга: «Сени севаман, азизим...» дея ёзиб қўярдим. Севиб-севилмаганим учун ўзимни ёлғизлик чоҳига ташлаб, ҳаёт завқидан узоқлашардим. Ўзимга ачинардим. Қани энди, сени ҳам ардоқловчи кимдир бўлса? Байрамларда кўнглингни олиб, ҳадялар берса? Кўнглингни остин-устун қилган бу бўронлар заҳрини бир гул тақдим қилиш билан юва оларми-кансан? Қандай адолатсизлик?! Инъом этилган гул кунлар ўтиб сўлийди. Сени севиб ардоқловчи кимса ҳам кун келиб дунёдан кўз юмади. Ўзинг ҳам абадий яшамайсан. Икки ўртада фақат бўшлиқ қолади.

Севишганлар кунида инсонларни кузатаман... Барчанинг қўлида – гул. Кимдир севгилисидан олган, яна кимдир меҳрибонига гул бергани шошиб бормоқда. Инсон табиати шундай. У доим

орзу билан яшайди. Хушбўй гулни орзу қилганидай, мудом баҳорни қўмсайди. Бир бўстонни орзу қилганидай, доим жаннатга эришиш истаги билан яшайди.

Бир вақтлар мени севувчи инсон йўқдиги учун ўзимга ачинган бўлсан, бугун севишганлар кунида милионлаб севиб, севилган инсонларга ачиняпман. Биламан, севиш – нафратланишдан минг марта афзал. Аммо мен қалбини вақтинчалик севги асирига айланган куйи умрини унга сарфлаб, ҳақиқий ишқни англамай, бу дунёдан фафлатда ўтаётган инсонларга ачиняпман, холос.

Севишганлар кунидаги энг баҳтли инсон ўзимман. Бошқалар севгилиси учун сарф-харажат қилиб, гулдаста сотиб олади. Аммо шунга арзидими бу севги? Мен севган Зот эса ҳар йили баҳор ва ёз фаслида ер юзини хушбўй гулларга буркайди. Сулув келинчақдек табиатни безатади. Уни суйган бандалари қалбини ана шу гўзаллик билан завқдантиради.

Севишганлар бир-бири билан тортишади. «Мени тушунишни истамайсан. Менинг орзу-истакларимни инобатга олмайсанми?» дея дилни оғритувчи сўзлар айтилади. Мени севган Зот эса мени мендан яхшироқ билади, дилимдан, хаёлимдан нималар ўтаётганини англайди.

Баъзи севишганлар оила қуриб, бирга умр кечирсалар ҳам иккиси бошқа-бошқа оламда яшайди. Севганингиз узоқ сафарга кетса, висол онларини кутиб, ой, кун, дақиқа санаб умр ўтказасиз. Мен севган Зот эса доим мен билан. Барча меҳрибонларимдан энг яқини У. Унга яқинлашишим учун Зотни англашим кифоя. Мендан ранжиманг, азизим. Аммо сиз севган инсоннинг қатор камчиликларини таъкидлаб ўтмасам бўлмас. Севгилингизнинг энг биринчи камчилиги қачондир

ўлим билан юзма-юз бўлишидир. Шунингдек, бирининг кўриниши нимжон, бирининг ёнида сариқ чақасиям йўқ. Яна кимдир жуда ақлли, аммо унда туйғу йўқ. Кўнглингизни олишни билмайди. Яна кимдир бой-бадавлат, аммо севгилингиз бойлигига қувониб, сизга вафо қилмайди. Аёл кишига эрининг хиёнатидан ортиқроқ азоб бўлмаса кепрак.

Мен суйган Зот эса Боқий, камчиликсиз яралган. Унинг тенги йўқ. Бу мунаввар олам, бор давлат соҳиби – У. Чексиз құдрат соҳиби – У. Ҳақиқий гўзаллик соҳиби – У. У – Зот фоят марҳаматли ва меҳрибон. Кўмак сўраб, илтижо қилиб қўлингни чўзсанг У ҳеч қачон сени умидсиз қолдирмайди. Барчамизни бирдай сужди. Уни таниганимиз, марҳаматига сазовор бўлганимизга шукр.

Севгилингиз бугун сизни бир даста гул билан йўқласа ҳам, дардингизга малҳам бўлолмайди. Биз севган Зот эса фарзларни бажарган мўмин бандаси учун жаннат инъом этиб, абадий азобдан халос қиласди.

Хуллас, биз энг бахтли бандамиз, барчадан омадлироқмиз. Faflatdan узоқлашсангизгина сиз ҳам бундай бахтга сазовор бўласиз.

Аллоҳим! Бугунги севишганлар кунида ҳануз Сени излаётган, аммо ҳали асл Ишқни англамаган инсонларга ўзингни билди, кўрсат. Сени излаб топа олмаётган бандаларга зиё ато эт. Акс ҳолда руҳлари ўз маконини топмай, асл севгини англамасдан дунёдан кўз юмадилар. Фоний дунёда дарду нола билан ўтишади. Қалбларида сен учун аталган ҳислар маънисига етсинлар.

САХНА ОРТИ

18 февраль, 1998 йил

Хозир негадир «Хоживат ва Қоракүз» комедияси хаёлимдан ўтди. Аслида улар – қўғирчоқ. Бу икки жонсиз қўғирчоқларни саҳна ортида бирор таёқлар билан бошқариб туради. Аммо саҳна нури бу таёқларни яширади. Томошабин бу нурларга чалфийди, қўғирчоқни ўйнатаётган таёқчаларни кўрмайди. Хоживат ва Қоракүз ҳаракатларига маҳлиё бўлади. Ҳаёт ҳам шундай экан. Инсон саҳна ортидаги кимсага эътибор бермайди. Парда олдидаги қўғирчоқлар ҳаракатини мириқиб кузатади. Бизнинг хатомиз шунда экан. Инсоннинг дунёга келиш сабаби, умрнинг асл мазмунини яширин қирралардан излашга эринамиз. Ёки ўткинчи ҳаваслар кўз олдимизни тўсиб қўйганидан асл моҳиятни кўролмаймиз.

Кинотеатрда фильм томошаси тамом бўлгач, фильм мувафақиятини таъкидлаб, қарсак чаламиз. Аслида кимга тасанно айтаяпмиз? Саҳна олдидагилар билан баравар саҳна ортидагиларни ҳам олқишлияпмиз. Режиссёр, муаллиф, гrimmчи, чироқ устаси, бастакор, овоз оператори ... Мазкур фильмни яратишга ким ҳисса қўшган бўлса, барчасини олқишлиймиз.

Болалигимда опам билан фильм кўргани кўп бораардик. Фильм тамом бўлгач, ҳамма қарсак чаларди. Кино ярмида ухлаб қолардим, қарсак овоздидан уйғониб, мен ҳам олқишиларга қўшилардим. Аммо нима учун қарсак чалаётганимизни билмасдим. Опамдан сўраганимда «Фильм ижодкорларини олқишлияпман» деб жавоб берарди. Баъзан ўйлаб қоламан. Саҳна учун яратилган қўғирчоқ-

лар, ажойиб фильмлар бизга завқ бериб, маънавий дам олишимизга имкон яратиши мумкин. Аммо бу саҳна асарлари биздан ҳақиқатни яширади. Чунки улар замон талаби, одамлар фикридан келиб чиқиб яратилади. Баъзиларининг мазмуни саёз бўлади. Шундай экан, айтинг-чи, бундай асарлар бизга асл ҳақиқатни англашга ёрдам берадими? Менимча, йўқ! Булар гуноҳ қилишдан сақланиш ва яхши ишларни ганимат билишни ўргатмайди.

ФАБРИКАЛАР

5 марта, 1998 йил, пайшанба

Бир сут фабрикаси бор экан. Катта дошқозонига ям-яшил ўтлар ташланади. Бу сут фабрикасининг номи сигир.

Шунингдек, асал фабрикаси ҳам бор эди. Унинг кичик қозонига турфа гуллар ташланар ва у асалга айланаркан. Бу фабриканинг номи асалари экан.

Тухум фабрикасини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Мазкур фабрикада тайёрланган маҳсулотлар энг йирик фабрикага юбориларкан. Ўша фабриканинг номи инсон. Бу фабрикадан икки натижадан бири чиқади: савоб ёки гуноҳ. Бу фабрикаларнинг барчаси бир жумлага: Қоф ва Нун фабрикасига, яъни «Куун» – «Бўл» амрига боғлиқ экан.

Роббимиз дастлаб коинотни, кейин бошқа мавжудодларни, охирида инсонни яратди. Инсонни ер юзига халифа қилиб тайинланди. Афсуски, баъзи вақтларда бизга итоат қилдириб қўйилган жонзотларни хор қиласиз. Ҳатто, бизни яратган Парвардигорни унутамиз. Кеча ким эдик, бугун

ким бўлдик? Ахир барчамиз кун келиб, бир сиқим тупроққа айланишимиз аниқ-ку!

ТУГИЛГАН КУН

11 март, 1998 йил, чоршанба

Бугун – туғилган куним. Йигирма беш ёшни нишонладим. Йигирма беш ёш... Бир вақтлар бу рақамга етиб боришимга узоқ вақт бордай туйиларди. 16 – 17 ёшимда қачон йигирма 25 га етиб борарканман, деб асабийлашган пайтларим ҳам бўлган. Кечагина улфайиш, катталардай фикр юритиш, қарор чиқариш, бошқаларни бошқариши истар эдим. Ҳар бир туғилган куним менинг буюк инсон бўлишим учун ташланган янги қадам эди гўё. Эҳ, бу беғубор ёшлик! Ўша пайтда ўтолов эдик. Фам-ташвиш, кулфатларни писанд қиласмасдик.

Кечқурун яқинларим табриклаб, қўнғироқ қилишди. Дугонам Элиф «Мана ўртоқ, қаришни ҳам бошладик. 25 ёш ҳазилакам эмас» дея аксия ҳам қилди. Бу ҳазил ичимдаги маҳзунликни юзага чиқарди. Ҳар туғилган кунимда умримнинг бир иилини шамол олиб кетгандай, бироз тушкунликка тушаман.

Икки ҳафта аввал бир дугонам телефон қилиб, ўзининг никоҳ базмига таклиф этди. Уни табриклаб, баҳт тиладим.

– Сенда ҳам бирор янгилик борми? – деб сўради дугонам.

– Йўқ, – дейишим билан суҳбат якунланди.

Дераза ёнида ўтирганча кўчага қараб, хаёлга толдим. Кейинги пайтда фотиҳа қилинган, оила қурган, никоҳ базмига мени таклиф қилганлар

сони ортган эди. Уларнинг аксарияти мен билан тенгдош. «Сенинг ҳаётингда ҳам ўзгаришлар борми?» деб берилган саволларни «Менда нега ўзгаришлар йўқ?» дея ўзгартириб, ўзимдан сўрар эдим. Оппоқ келинлик кўйлагини кийиш – ҳар бир қизнинг орзуси. 25 ёшга етдим. Ҳозир оила қурмасам, қачон бу баҳтга сазовор бўламан? Қачон болачақам билан ўралашиб юриш насиб этади?

Холбуки, совчиларни ўзим қайтарардим, эрга тегишим ҳақида ўйласам, бутун вужудим зир титарди. Совчилар олдига чиқмасдим. Мен билан танишмоқчи бўлган йигитларга «Ўзимнинг танлаганим бор», дея умидини пучга чиқарардим. Аслида менда бир андиша бор эди. Бошқалар умрим давомида бошимдан ўтказгандарим Чин Ишқ, асл моҳиятни англашимга сабабчи бўлганини билишмайди, буни ҳис қилишмайди, деб ўйлардим. Асосий мақсадим Ягона Зот розилиги билан яшаш эди. Ундан узоқлашиб, фоний санаалган бир банда билан танишишни истамас эдим. Бу мақсад туфайли кўзимга ҳеч нарса кўринмас эди. Мен неча йилдирки, Роббимни танишга ҳаракат қилаяпман. У Зотнинг суюкли бандасига айланишни истайман. Буни эса мен билан ҳаётини боғламоқчи бўлган инсон тушунармикан? Менинг андишам шу эди.

САНЬАТ ТЎФРИСИДА

З май, 1998 йил, якшанба

Санъат – инсон туйғуларини изоҳловчи таржимонми? Шеърда, насрый асарда, қўшиқда, ҳаракат ва мимикарда инсон туйғуси ифодаланади. Балки, туйғуларни санъат орқали ифодалаш

фақатгина тақлиддан иборатдир. Рассом табиат манзарасини тасвиirlар экан, фақат нигоҳи билан илғаган тасвиirlарнигина қофозда ифодалай олади. Бунга монелик қиладиган бир ҳолатни эсдан чиқармайлик. Рассом табиат бағрида манзарани мүйқаламлари орқали тасвиirlашни бошлайди. Мазкур асарни тамомлагунича маълум вақт ўтади. Бу вақт суратнинг асл гўзаллигига таъсир қиласди. Чунки қаршимиздаги табиат ва коинот ўз вақти-соати билан янгиланиб, ўзгариб туради. Бу янгиланишни инсон нигоҳи гоҳ илғайди, гоҳ илғамайди. Рассом осмондаги булултар тўдаси, қуёшнинг шаффоф нурини чизишга уринар экан, ҳар лаҳзада булултар бир жойда турмай ҳаракатланади. Қуёш нури ҳам вақт ўтгани сари рангоранг тусга киради. Табиат ана шундай: у шаклдан-шакл, рангдан-рангга ўзгарамади. Ўша рассом тасвиirlаган табиат манзараси эса табиат чиройининг бир қисми, баъзи шакл ва бўёқлари, холос. Рассом асарида бу янгиланишлардан нигоҳи илғашга улгурган гўзалликларнигина тасвиirlаган. Аммо коинотни ҳар онда янгилаб турган, унга ҳар лаҳзада ўзгача чирой ато этган асл Санъаткор негадир хаёлимизга келмайди.

Ўтган йили янги китобимнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Сунъий гуллар ясовчи ажойиб ижодкор аёл билан танишган эдим. У ҳам тақдимотимизда бетакрор ижод намуналари билан қатнашди. Бу аёл ним пушти, бинафша ранг, мовий рангдаги сунъий гуллардан ақлни лол қиладиган гўзаллик яратган эди. Тақдимот маросимидан олдин у ўз ижоди «ҳосиласи»ни деворларга осиб, безатиб чиқди. Тақдимот бошланди, бари кўнгилдагидек ўтаётганди. Бир вақт ташқаридан уч тўртта ари келиб, ҳалиги сунъий гуллар атрофида айлананаётганига кўзим тушди. Гулга қўнгган арилар унинг

жонли, хушбўй эмаслигини англаб, учиб кетдилар.

Қизиқ, санъат борлиққа ўз ҳолиша тақдид қилишми? Воқеликни мавжуд тасвирга ўхшатишми? Воқеликни яхши тасвирлай олган моҳир санъаткор саналадими? Жуда гўзал, бетакрор гулга дуч келасиз. Қўлингизга оласиз. Гулнинг хушбўй ифоридан баҳраманд бўласиз. Аммо қўлингиз сунъий япроқларни ҳис этади. Улар табиий гўзал гулга қанчалик ўхшамасин, қалб завқданмаслиги мумкин. Чунки у кимдир томонидан ясалганини дарҳол пайқайсиз. Сунъий гуллар табиат яратган гуллардай дилга завқ берса олмайди.

Балки санъатни батафсил таърифлаб беролмагандирман. Буни уddyалай олмасам керак деб ўйлайман. Аммо мен англаб етган бир ҳақиқат бор: инсон бу коинотдаги жонзотлар, хушбўй гуллар, митти капалак, қушлар навоси, ёмғир томчисида мужассам гўзалликлардан беихтиёр завқланади. Гўзалликни севувчи инсоннинг ҳам ички дунёси гўзал бўлади. Табиатдаги барча неъматлар инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжи учун яратилган. Инсон эса фоний дунёда бу гўзаллик соҳиби бўлишни истайди.

Ижод аҳли умр лаҳзалари бир куни поёнига этишини билса ҳам абадий яшашини таъкидлайди. Улар: «Мен оламдан ўтсам ҳам асарларим мангур яшайди», дейишади. Ҳа, «мангу яшаш» инсониятнинг ўзгармас орзусидир. Қалб тубидаги яширин орзу ана шу тарзда юзага қалқиб чиқади. Ҳар бир ижодкор ўзи йўқликка кетса ҳам, асарлари боқий яшашини истайди. Ижодини келажак авлоди тан олиб, қадрланишини ният қиласиди. Худди шундай. Аммо асл Санъаткор Роббимиз ҳар лаҳзада коинот, табиат жонзотларини янгидан яратади. Бундай санъат асарлари унун

тилиб кетадими? Ҳеч қачон унутилмайди! Ҳеч ким ўз меҳнатини беҳудага сувга оқизишни истамаганидек, табиат гўзалликлари, энг гўзал мавжудот саналган инсон ҳам Яратувчи томонидан асрраб-авайланади. Шунинг учун ўзи ва бошқалар қалбини ширин орзуга тўлдириб яшаган инсон Аллоҳ марҳаматига сазовор бўлади. Аллоҳ ўзи яратган бетакрор гўзаликни уларни асраган бандаларидан марҳаматини аямайди. Ҳаётга меҳр кўзлари билан боқсанг, у сенга ўзининг энг яхши томонларини очади.

ДИЛИМДАГИ ГАПЛАР

10 май, 1998 йил, якшанба

Ҳозир отамнинг машқхонасида ўтирибман. Кун бўйи ўзим ўйлаган ва кузатган воқеаларимни қофозга тушириш истаги мени тинч қўймаяпти. Улар то қофозга тушмагунча ичимда қолади ва дардга айланиб, мени қийноққа солади. Темирни – занг, инсонни – дард емиради, деганлари рост, шекилли. Вақт доим тез ўтади. Бугун уй юмушлари, опам билан суҳбатлашиб вақт ўтганини билмай қолибман. Мана ҳозир отамнинг хонасида ўтган умрим сарҳисобини қилмоқдаман. Тун ёришиб, қуёш бош кўтаришга ҳозирланмоқда. Одатда, бу вақтда ота-онам бомдод намозини ўқигани уйғонишарди. Мен ҳам бу дақиқада ўз хонамда бўлардим. Аммо бу ердаман. Чунки ота- онам ёнимда эмас. Улар 15 кунга Адапазарига кетишиган. Катта, уч қаватли уйда опам ва мен қолдик. Тунни отам хонасида ўтказдим. Қаршимда унинг иш столи. Устида қофоз, қалам, китоблар. Чап томонимда отамнинг курсиси ва ёнида жавон. Хона тўрида телевизор жой олган.

Ҳали ҳам ёдимда, отам чойни жуда хуш кўради. У шу стол ёнида ўтириб, кечаю қундуз расм чизар, онам доим унга чой ёки қаҳва келтириб қўярди.

Онам жияним Селинни боғчадан олиб келиш учун кетаркан, мен дарвоза ёнида туриб, то кўча бошида бурилиб кетгунинг қадар унинг ортидан кузатиб қоддим. Бир кун келиб мана шу йўлга қараганимда ўз ташвиши билан шошиб ўтиб бораётган одамлар орасида онажоним бўлмайди, отам ҳам... Шу боисми, доим онамни шу маҳзунлик билан кузатиб қоламан. У билан кўпроқ вақт ўтказишга, қаерга борса, мен ҳам бирга боришга ҳаракат қиламан. Мехридан кўпроқ баҳра олишга интиламан. Яқинларим менга қанча меҳр бермасин, бари бир ҳеч бири онамнинг меҳрига teng келмайди. Болалигимда унинг қучоғидан тушмас эдим. Онам меҳрига ҳеч тўймасдим. Юзлари ва қўлларини ўпид силардим. Вақт ўтиб, нималардир ўзгарди, буни тушуна олмадим. Бир кун ота-онам мени мен ўйлаганчалик яхши кўрмаслиги ҳақида ўйлай бошладим. Айниқса, ота-онамнинг опам ва акамни мендан кўпроқ яхши кўришлари мени асабийлаштиради. Ота-онамнинг ҳар бир ҳаракатида менга меҳри борми ёки нафрат, шуни аниқлашга интилардим. Бу мени янада жоҳиллаштирап эди. Уйдан ўзим излаган меҳрни тополмагач, уни кўчадан излай бошладим. Аммо инсон излаганини оиласидан кўрмадими, унга кўчада асло эга чиқолмаслигини ҳали билмасдим. Оиласида йўқотганини оиласидан, юрагида йўқотганини юрагидан излаш лозим экан.

Мен эса қайсар, ахлоқ меъёrlарини тан олмайдидиган қиз бўлиб улғаяётган эдим. Бир неча йил олдинги воқеа хаёлимдан ўтди. Бир куни онам

менга шундай деди: «Қизим Ҳулиё, сени бундай жizzаки бўлиб қолганингга мен сабабчиман. Болалигингда ҳеч қучогимдан тушмасдинг. Бувинг «Бу қизингни бунча эркалатмасанг?» дея танбеҳ берарди. Бир куни қучогимга кириб, эркалана бошладинг. Бувинг яна танбеҳдарини бошлади. Унга жаҳл қилиб, сени бағримдан силтаб чиқардим. Бошқа бунақа эркалик қилмаслигингни айтиб, сенга бақирдим. Мургак юрагинг озорланди. Ўша кундан бошлаб, на келиб бағримга кирдинг ва на меҳр билан юзларимдан ўпдинг».

Онам буларни гапирав экан, овози титрар ва кўз ёшини яширишга уринарди. Рост, болалигимда онамга кўп эркаланаар, ўпар ва қучоқлардим. Буни эслайман. Аммо қачон ўртамизга совуқчилик тушди, қачон эркаланишларимни тўхтатганимни эслай олмайман. Демак, сабаби шу экан.

Онам – менинг борлифим эди. Агар бола онаси томонидан шафқат кўрмаса, у учун бу оғир зарба бўлади. Устига устак бор меҳрини онасига атаган бўлса. Ҳаётда кимлар меҳрсиз ва ёлғиз қолишларини биласизми? Меҳр-муҳаббатни ўз ўрнида кўллай олмаганлар. Вақтида марҳамат қадрига етмаган марҳаматсиз, шафқат қадрига етмаган меҳрсиз қолади. Оқибатда, оиласда она меҳридан бенасиб улғаётган фарзанд тақдир ҳукмига ташланади.

Бор меҳрини қалбида жо қилган, аммо уни юрак ютиб, эгасига айттолмаган бола. Энг даҳшати онам такрорлаган хатони жияним Селинга такрорлајпман. Бола менга меҳр билан талпинганида, уни силтаб ташлашгача бордим.

Опам ишдан кеч келгани учун кундузлари Селинга мен оналиқ вазифасини адо этардим. Селин жуда ширин, қалби меҳрга тўла бола. Орзулари беғубор.

Гумроҳ бандалар! Мехрини, севгисини қалбидан сақлаган, уни қадрдонига айтолмаган гумроҳ бандалармиз. Ҳаётда севилмаганимиз учун изтироб чекамиз. Аслида қалбимиздаги севгини яқинимизга айтолмаслигимиздан келиб чиқади. «Сизни яхши кўраман» шу биргина жумлани айтиш учун бор тўсиқларни енголмаймиз.

Аслида барча бир-бирини севади. Кошки қалбимиздаги меҳрни юлиб олиб кўрсатишнинг иложи бўлса!

Бу хотираларим сизни қайфуга солган бўлиши мумкин. Бирорни айблашга шошилмайлик. Ахир ё барчамиз айбормиз, ё ҳеч қайсимиз. Онажонимни айбдор деб айтолмайман.

Ўша қалби яраланган қизалоқ ўтмишда қолди. Баъзан оғриқли лаҳзаларни деярли унутдим. Нафратни енга олганим, қалбимда яна меҳр уйғонгани учун баҳтлиман. Баъзи инсонларга ўҳшаб, қалбим нафратдан тошга айланиб қолмади. Аллоҳ инояти туфайли одамлардан нафратланадиган бўлиб қолмадим. Бу ҳаётда инсонлардан нафратланиб яшаш энг оғир азоб менимча. Қалбим ўз масканида шафқатдан бошқасига жой бермади.

Ота-онам билан боғлиқ бу воқеани батафсил ёзишим шарт эмас эди, балки. Аммо бу гаплар дилим тубида кўмилиб ётган оғир дардларим эди. Сабаби, онажонимни жуда яхши кўрадим ва шу лаҳзада онам бағрида бўлиш, уни қучоқлаб ўпиш, меҳр тафтини туйишни жуда-жуда истайман. Оналарда ўзгача меҳр тафти бўлади.

Жияним Элиф Бурса университетида ўқийди. Уйидагиларидан ҳол-аҳвол сўраб, телефон қилиб туради. Суҳбатлашиб бўлгач, онаси билан хайрлашаётганда доимо: «Онажон, сизни яхши кўраман», дейди. Элиф билан табиатимиз деярли бир хил. Аммо у кўнглидагиларини ифодалашда мен-

дан устунроқ. Мен дилимдаги меҳрни очиқ айтишга баъзан ийманаман ва бундан азобланаман. Ахир яқинларим уларни қанчалар яхши кўришимни билишларини истамайман-да! Холам нақадар баҳтли. Элиф онасига, яъни холамга меҳрини ифодалаганда еттинчي осмонда учса керак.

Қизиқ, одамзод бирровга бақирганида, жаҳҳотига миниб, гуноҳ қилганида ийманиш, иккиланишни билмайди. Аммо дилидаги меҳрни яқинига англатишга негадир тортинади?! Бахтимиз ҳам, баҳтсизлигимиз ҳам шундандир. Азизим, ўзингизни енгишни ўрганинг. «Сени яхши кўраман» биргина шу жумла ҳаётингизни ўзгартиради. Унда бир дунё баҳт мужассам. Оилангизда тушунмовчиликлар борми? Бир-бирингиздан камчилик ахтариб, айбдор ким эканини аниқлашни бас қилинг. Аксинча, дилингиздаги яқинларингиз учун аталган меҳрни уларга кўрсатинг. Азизим, ҳар лаҳза ғанимат. Меҳримизни яқинларимизга улашишга шошилайлик.

11 май, 1998 йил, 02:45

Бу кеч соат 23:30 да телефонда онамни йўқладим. «Нималар қилдинг?» онамнинг бу саволига ишларим кўпайиб кетгани, янги китобимни нашр қилишга ҳозирлик кўраётганим, тун бўйи ухламаётганим, ҳатто кечки таомга ошхонага ўтишга вақтим бўлмагани, акам, опам менга ёрдамлашётгани, тонгга яқин кўзим илингани, бир соатдан сўнг опам уйғотгани, дугонам мени кўргани келгани, уйни саранжом-саришта қилганим, бир неча кундан сўнг уларни кўргани боришимиз... барчасини онамга сўзлаб бердим.

Аммо гап орасида «Сизни яхши кўраман» деб айттолмадим. Бироқ онамнинг фидокорлигига

қойил қолардим. Юқорида бажарган ишларимни санаб ўтдим. Агар шу бир кунлик ишимни бошқа дугоналарим, танишларимга айтиб берсам:

– Йўғ-е! – дейишдан нарига ўтишмайди. Она бўлиш, уй бекаси вазифасини уддалаш осон эмаслигини онам яхши тушунади. Бизга оилавий ҳаётимизда қоқилмаслигимиз учун суюнчиқ бўларди. Рўзгор ташвишлари, бола парвариши ва тарбияси билан бели букчайиган онам ҳамон бизга далда бўлишда давом этаяпти. Хатога йўл қўйганимизда, насиҳат қилиб, тўғри йўл кўрсатади. Рўзгор юмушида тадбирли, бола парваришида эътиборли бўлишимизни ўргатади. Шунинг учун онамга қойил қоламан. Шунча меҳр, шунча бардош, матонат, самимиятни қаердан оларкан, она жоним?!

Тарки одат – амри маҳол, деганларидаи дилимдаги меҳрни эгасига айтишни ўрнига, яна қофоз қоралаяпман. Одамзод ўзи шунаقا баҳил бўларкан. Одамлар меҳрини мусиқага жо қиласади. Нима учун севгилисига мусиқа остида совфасини инъом этади? Нега газеталарда севишганлар учун алоҳида саҳифа мавжуд. Муҳаббатини меҳрини, дил розини севгилисига етказиш учунми? Нима учун кўнгли беғубор ўсмир севгилисининг исмини дарахтга ўйиб ёзади?

Сизни жуда яхши кўраман, бебаҳо онам! Қорнингизда тўққиз ой қийналиб, мени кўтариб юрганингиз учун. Фарзандларингизга ўзингизни фидо қилганингиз туфайли. Бизга дунёдаги энг меҳрибон киши бўлганингиз учун.

Сизни яхши кўраман, меҳрибон отажон! Тун бўйи бизни таъминлаш учун, ҳалол ризқ топиш илинжида кўз нурингизни аямай, расм чизганингиз учун. Ишдан қайтганда ҳар бир фарзандингиз ёқтирган нарса, шириналарни олиб келга-

нингиз сабаб. Келажак ҳаётда ўз ўрнимиз, бахтимизни топишимиз йўлида бор кучингизни аяманларингизни асло унутмайман.

Азизларим, шу уч фарзандингиз учун қилган фидокорлигингизни Аллоҳ таоло муносиб тақдирласин. Жаннат неъматларига сазовор бўлиш насиб этсин. Илоҳим, Роббим раҳмат назари билан қарасин.

ҲАЁТ ВА ҲАЁЛ

18 май, 1998 йил, душанба

Айвондаман. Ёмғирдан сўнг атрофни эгаллаган нафис, мусаффо ҳаво, қушлар навоси остида хотираларимни ёзаяпман. Узоқдаги тоғлар қуюқ туман тушгани сабаб қўринмаяпти... Ана, боғдаги ҳовуз атрофида қалдирғоч насибасини териб юрибди. Қалдирғочларнинг самодаги парвози, ўйинлари юрагингизга ажиг ҳисларни солади.

Бу ерларда ёмғир кўп ёғади. Ёмғир ёғишини яхши кўраман. Тоза тоғ ҳавоси, ёмғир ҳиди... Атроф сокин. Инсон руҳан чарчаганида, шаҳар шовқинидан безиб, мана шундай сокинликни қўмсаб қолади. Аммо туғилиб ўсган шаҳримни ҳеч нимага алмашмайман. Табиатдаги гўзалликни таърифлашга тил ожиз.

Хаёлот дунёсининг чек-чегараси йўқ. Сухбатдошингиз билан сўзлашсангиз ҳам маълум вақт ўтиб у билан хайрлашасиз. Сизни ҳайратга солган нарсаларнинг маълум қисминигина унга айтиб улгурасиз. Аммо хаёлингиз сизга тинчлик бермайди. Эътиборингизни тортган нарсани ўйлайверасиз, ўйлайверасиз. Унинг янги қирраларини топишга интиласиз. Хаёлот дунёси ана шундай тубсизликка эга. Сизни ўз домига тортаверади.

Айтилган ҳар қандай сўз ё бир ҳақиқатга таянади ёхуд уни айтган шахс хаёлотининг асари, шахсиятининг маҳсули саналади. Ҳақиқат эса ўзгармайди. Зотан, ўзгарарадиган нарсаларга ҳақиқат дейилмайди.

Инсон ақлида турли тушунчалар тўқнашади. Лекин ҳеч бири ўзгармасдан қолмайди. Бири кетиб, ўрнига бошқаси келади.

МОМОҚАЛДИРОҚ

19 май, 1998 йил, сесанба

Бироз аввал кучли ёмғир ёғиб ўтди. Қаттиқ момоқалдироқ бўлди. Кучли чақмоқ чақишидан ваҳимага тушиб, айвондан ичкари уйга ўтдим. Бу тўс-тўполон беш дақиқа давом этди, холос. Ёмғир шиддати ўтиб кетгач, атроф тинчиб қолди. Мен ҳам ваҳимадан қутулдим. Бироздан сўнг, хаёлимга Қуръони Каримдаги Раъд сурасининг 12 - ояти келди:

«У Холиқ ва Азимдирки, сизларга қўрқув ва умидни кўрсатади ва қат-қат булатларни юборади».

Мазкур оятда раҳмат ва азоб, умид ва қўрқув бирга тилга олинаяпти. Момақалдироқ ва шиддатли ёмғирнинг инсонда икки туйфу: умид ва вақурқувни юзага келтириши... Қизиқ, одамзод чақмоқдан қўрқади, ваҳимага тушади. Аммо ёмғирни севади ва унга эҳтиёжи бор.

Бироз олдин бўлиб ўтган беш дақиқалик тўс-тўполон «Раҳматим фазабимдан устунроқ» дея буюрган Аллоҳ таоло амрининг исботидир.

Табиатни кузатсангиз, кўпинча ёмғир ёғишидан аввал момақалдироқ гумбурлаб ўтади. 5-10

дақиқалик момақалдироқ гумбурлаши инсонни вахимага солади, қалбидә құрқув уйғотади. Аммо бу вахима тугаб, табиатни аллалаб, унга ҳаёт бахш этиб, шигалаб ёмғир ёға бошлайди. Ёмғир инсоният учун оби-ҳаёт, ризқ-насибадир. Бу ёмғирдағы раҳматни күриб, У марҳаматли Зотга тасанно, ҳамду сано айтасиз. Азобидан күра раҳматини юборған Зотга шукронға келтирамиз.

Бу ерда ёмғир ёғишини күзатиш ёқимли. Ҳозиргина ёққан ёмғирдан сүңг ерлар ҳұл, лой бўлди. Ана шу йўллардан чумчуклар чугурлашиб, ўз ризқини излайди. Атрофни қушлар навоси эгаллади. Қандайдир нашида завқи ҳукмрон эди. Ёмғир – ҳаёт дегани, ёмғир ризқ-насиба, ёмғир раҳмат дегани.

Бу ажойиботни күра олғаним, англаб етганим учун, бу манзарани кўришимга кўз, тинглашимга қулоқ, ҳис қилишимга юрак, ўйлашимга онг инъом этган оламлар Сарвари Роббимга шукронға айтаман ...

ИСТЕЪДОД САДОСИ

8 август, 1998 йил, шанба

Дўконга бораётган эдим. Йўлак четида ҳали улраймаган ва учишни ўрганмаган капитар боласига кўзим тушди. У қанотларини очиб, бир неча метргача учиб борар ва ерга қуларди. Уни ушламоқчи эдим, анчагача ортидан югуртирди. Аммо сёқлари чаққонлигидан, менга ҳеч тутқич бермади. Қуш ортидан югуриб юришга ўтиб кетаётгандарни нигоҳидан уялардим. Аммо бу бечора қушчани шу ҳолида қолдириб кетишга кўнглим бўймасди. Чунки у бу ҳолда қолса, мушукларга ем

бўларди! Афсус, қанча уринмай уни ушломадим ва йўлимда давом этдим. Лекин мени шу қушчага ачиниш ҳисси қамраб олганидан уни шу ҳоли-ча ташлаб кетолмадим. Дўкондан қайтаётиб, яна қушчанинг ёнига келдим. Аммо чаққон ҳаракат қиласм-да, уни тутолмадим.

Тўсатдан хаёлимга кўча бошида ўйнаётган болалар келди. Муаммонинг ечимини топган эдим. Ўз болалигимдан келиб чиқиб, болалар табиатини озми-кўпми билар эдим. Болалар дунёсида тўсикларга ўрин йўқ. Улар ўтдан ҳам, оловдан ҳам қўрқишимайди. Инсон болалиги ортда қолиб, ўсмирлик даврига етганида кўчада аввалгидай ўйинлар ўйнай олмайди. Бундай ҳаракатлар қилишдан уялади. Ахир у улфайди, уят бўлади-я! Аммо болакайларда бундай андиша йўқ. Ўтган – кетган билан иши йўқ. Кўчанинг у боши билан бу бошига чопиб, шовқин-сурон солиб ўйнашади.

Мен ана шу шўх, қувноқ болалар ёнига бориб:

– Болалар! Биласизми, шу машина остига бир каптар боласи кириб кетди. Менга уни тутишга ёрдамлашиб юборинглар, – дедим.

Ниятимни айтар-айтмасимдан бари ўйнашни тўхтатиб, машина томон кетишиди. Ҳа, бола табиатан жуда қизиқувчан. Икки бола машина остига икки томондан кирди. «Йўлини тўс, сен томон кетяпти», деди бири. Ниҳоят, қушни ушлаб, менга беришди. Барчамиз бундай ажойиб ишни уддалаганимиздан қувондик. Қушни бир неча кун ўйимда парвариш қилдим. Каптар учишни ўрганиб, табиатда ўзи яшай оладиган даражада улфайгач, бир кун очиқ дарвозадан учеб кетган эди.

Болалар истеъдод садосидир. Улардан жаннат ифори келади. Улар соддаликни билмайди. Сизнинг аҳволингиз, юзингиздаги чарчоқ, сочингиздаги оқ толаларга эътибор қилишмайди. Уларни

қизиқтиргани фақат қалбингиздаги МЕХР, ШАФ-ҚАТ, ДҮСТАЛИК ВА ЭЪТИБОРИНГИЗДИР! Ёлғон, икки юзламачилик, сохталик нималигин билмайди улар. Жанжални хуш кўришмайди. Айниқса, ота-онаси жанжаллашишса, болалик олами завол топади. Унга ноҳақ бақирганлардан ҳаёти давомида нафратланиб ўтади. Аммо болажонлар ранжитган бўлишса ҳам узоқ вақт аразлаб юришмайди. Қалбидаги Роббим берган севги тошиб кела-веради. Унинг дилига ҳали нафс уя қуриб улгурмаган. Покизалиги бузилмаган. Ҳасад, кибр, қасос олиш истагидан холи уларнинг қалби.

Инсон улгайгач, худди қуш сингари уясини тарқ этиб, учирма бўлади. Шунингдек, қалбидаги соғф эътиқод ҳам синовларда синалади. Нафсиға қул бўлса, болалигига қалбида мавжуд покизаликдан асар ҳам қолмайди. Ҳаётда кўп муваффақиятларга эришиши мумкин. Жамиятда ўз мавқеи, яхшилар дуоси, розилигини олиш, ўзлигини топиш, яхши касб эгаси бўлиш, мансабга эришиш, янги иш жойини ташкил қилиш – шу каби моддий мақомлар билан ўралашиб яшаш. Балки булар ичига сохталик, ҳасад, нафс, очкўзлик ҳам бордир.

Болаликдаги ўша тоза туйғу, бегубор орзулар тобора узоқдашаётгандай!

Инсон болалигидаги мана шу покизалиги, бегуборлигини йўқотмаслиги учун унга ёруғ йўл берилган. Инсон нафси амрига қулоқ тутмай, ана шу ёруғ йўлини кўролса, у Аллоҳ суйган бандага айланади. Биз ҳеч қачон болалигимизнинг бегубор оламига қайтолмаймиз. Аммо ўша истеъдод садоси, болаликдаги покиза қалб, жаннат ифори, маъсум дил, бегубор орзуларни сақлаб қолиш ўзимизнинг қўлимизда!

ИККИНЧИ ҚИСМ

ФИКР ДУНЁСИ

(Ҳаёт ҳикмати)

t.me/@like_time_all_files

Creator: @Admiralibaba

ДҮСТИМГА МАКТУБ

Салом! Кутимаган совгаларни яхши күрасанми? Саволим бежизга эмас, азизим. Сенга бир совғам бор. Ҳар бир мактуб, ҳар бир нигоҳ, яхши – ёмон совгалар билан түқнашганимиз – бу ҳаёт йўлларида инсон бошига қандай қунлар тушишини билиб бўлмайди. Бизга аталган совгалар қутисидан сизга аталгани нима эканини олдиндан айтиб беролмас экансиз. Бу ҳаётнинг совгалар қутисидан кимгадир баҳту, севинч, кимгадир ғамқайгу кимгадир уддабуронлик, кимгадир пушаймонлик чиқади.

Баъзан телефонда айтилган биргина хабар, бир оғиз гап ҳаётингни остин-устин қилиб юборар экан.

Азизим, ўйлаб кўрганмисан? Эртага нималар бўлишини ҳеч ким билмайди, тўғрими!? Ўн дақиқадан сўнг баҳтли, шодон юра оламизми, бундан ҳам бехабармиз.

«Фикрлаяпман, демак – ҳаётман», деб ўйлади инсон. Энди «Нима учун яшаяпман?» дея савол беринг. Ҳаётда яшашдан мақсадимиз нима, бу дунёга нима учун келдик ва нима учун уни тарк этаяпмиз?...Шу каби саволларга жавоб топиш лозим. Ҳаёт тасодифларга тўла. Аслида ҳеч бир киши туғилганида ёмон одам бўлмайди. Аксинча, кичкиналигида самимий ва беғубор болалар

вақт ўтиб, турли характердаги инсонларга айла-нишади. Сахий, меҳнаткаш, меҳрибон одамлар орасида феъл-атворига бу хислатлар бутунлай бегона кимсалар ҳам учраб туради.

Инсон қанчалик тўкинчиликда – егани олдинда, емагани кетида бўлиб яшаса, қўлида ҳамиша катта пул юрса, бу аксарият вақтларда яхшилик келтирмайди. Билъакс, болани тайёрига айёр бўлиб ўсишга ўргатиб қўяди. Уйида ҳамма шароити бор, меҳнат қилишига ҳожат бўлмаган болалар атрофига ўзига ўхшаган танбал, бекорчи, тенгдошлирини йифиб олади. У бора-бора меҳнатдан қочиб, осон пул топиш йўлларини қидирди ва танбалга айланиб қолади. Бундай бола қандай қилиб ўз келажаги, ҳаётга нима учун келгани, Яратган Эгам розилигини олиш тўгрисида ўйласин. Шу даражага етадики, ота-онасининг давлатига ишониб, оиласа, меҳнатга беэътибор бўлиб ўсади. Шундан сўнг бундай боладан яхши инсон чиқадими? Унинг келажакда ўз оиласини қийналмай боқишига бирор ишонадими?

Ўртаҳол оиласада ўсан болалар ёшлигидан меҳнатда чиниқиб, ҳаётнинг паст-баландлигини тушуниб улғаяди. Улар ота-онасининг меҳнатини қадрлаб, уларга муносиб фарзанд бўлишни ўйладади.

Шуни таъкидлашим лозимки, фарзанднинг яхши ё ёмон бўлиши унинг қандай оиласада вояга етгани билан белгиланмайди. Баъзан камхарж оиласада улғайган бола ҳам ёмон феъл-атворга эга бўлади. Аксинча, ўзига бадавлат хонадонда ўсан бола ҳам барчанинг ҳавасини келтирадиган ишибилармон, меҳнаткаш, сахий бўлиб вояга этиши мумкин.

Кўпинча, турмушидан нолийдиган ота-она фарзанди ҳаётга енгил қарайдиган, берсанг – ейман,

урсанг – ўламан, дейдиганлар тоифасидан бўлиб чиқади. Дўстим, бизга берилган буюк неъмат – ҳаётда ўзимизнинг бахтсизлигимизга сабабчи бўлмайлик. Оламлар Сарвари Аллоҳ таоло юборган бу осудалик, ризқ – насиба учун шукр қилишни ёдан чиқармайлик. Ҳаётда қанча енгсанг ҳам камаймайдигани бу фам!

Қанча берсанг ҳам тугамайдигани бу – инсоф! Қанча синса ҳам қиймати пасаймайдигани бу – ДИЛДИР! Барчамиз бебаҳо қалб соҳибига айланайлик.

Азизим, яна шуни англаб етдим. Биз билан биргалашиб ҳеч ким қувонмаса, бахтимиз у қадар жозибали кўринмас эди. Биз учун биздан-да кўпроқ қайгурувчи дўтларимиз камарбаста бўлиб ёнимизда турмаганида, кулфатларга чидашимиз жуда оғир туйилар эди.

Ҳаётимиз қадрдонларимиз билангина мазмунли. Азизим, мактубим бошида сенга кутилмаган совғам бор, деган эдим. Яна шуни ёдда туткинки, кутилмаган хушхабарга севиниб, кутилмаган кулфатга енгилиб қолма. Ҳаёт давом этади. Инсон жуда суюниб ҳам, қайғуга ботиб ҳам кетмаслиги лозим экан. Сабаби, қувонч ва қайғу мудом бир-бирининг ортидан келади. Бугун дардан азоблансангиз, эртага баҳтдан сармаст бўларсиз. Аллоҳ таоло ҳаётда кимгадир бериб, кимдантир олиб, бандаларини синовдан ўтказади. Шунинг учун бу синовли дунёда қайғуга асир бўлиб яшашингиз арзимайди. Аксинча, ҳар дақиқа учун шошилинг. Токи ҳисоб-китоб куни қиёматда савобларингиз сизни жаннат эшиклари томон етакласин. Бошингизга тушган ҳар бир синов сизга ниманидир ўргатиб кетади. Агар фафлатда қолмасангиз, бу синовлар туфайли у дунё саодатига элтувчи йўлни топа оласиз.

Азизим, ҳаётинг кутилмаган совгаларга бой бўлсин. Энг катта хато умидсизлик эканини унумла. Комиллик бизни баҳтга етаклайди. Шундай экан, умидсизликка берилмай, доим интилиб яшаш чинакам баҳтлигини тушун ва уқиб ол. Хайр, яхши қол қадрдоним ...

БОЛАЛИКНИНГ БЕГУБОР ОЛАМИ ВА ...

Митти болажон... Бегубор нигоҳларинг, жажжи қўлларинг... Эндиғина дунёга келган, янги оламга ҳайрат билан боқаётган, онасининг меҳр тўла бағрида митти қўлларини фимиirlataётган ёқимтой болакай. Туғилганингга қадар на сен онангни танирдинг ва на онанг сени. Аммо бирбирингизни танир – танимас ўртангизга ҳеч нимава ҳеч ким узолмайдиган ришта боғланади. Ажабо, бу ришта қайдан пайдо бўлди?

Болажон, ҳали сен менинг бундай гапларимни тушунолмайсан. Ҳали бироз вақт бор. Биз катталар ҳам бир вақтлар сендей жажжи, бегубор эдик ва оламга ҳайрат билан боқардик. Энди улфайдик. Ана шу улфайган, аммо ҳали қалб амри не эканини англамаган инсонлар учун икки оғиз сўзим бор.

Ҳа, жажжи болажон ... Сен ҳам бизларга ўхшаб руҳлар оламидан «Мен сизларни Роббингиз эмасманми?» деган илоҳий нидони эшитиб, «Ҳа! Сен бизнинг Роббимизсан» жавобини берган ва қалбимизда Аллоҳ таоло ишқини жо қилган асиirlардан бирисан. Бу шундай ишқки, ҳатто Фиръавн, Қорун, Абу Жаҳл ҳам Оламлар Сарварининг бирлигини тан олишган ва унинг қули эканини эътироф этишган.

Болажон, ўша руҳлар оламида берган ваъдангни исботлаш, Аллоҳ таоло учун солиҳ бандалигинг-

ни амалда кўрсатиш учун келдинг бу ёруғ оламга. Шу лаҳзада онангнинг иссиқ қучогида ташвишисиз ухламоқдасан, орада бир уйғониб, атрофингдаги фаришталарни томоша қилиб, табасум ҳадя қилдинг.

Ана, қара, отанг ҳам келди. Сени онанг бағрида илк бора кўрди. Онангга ўхшаб, у ҳам ҳайратда қолди ... Сени йўқдикдан бор бўлганингга, ҳаётга келганингга. Болажон, сен унга ажиди бахт ҳадя этдинг. Аллоҳ таолонинг каромати билан сен отаонангнинг меҳр-шафқатидан яратилдинг.

Табиатни кузатсанг, мевалар дарахтнинг фарзанди саналади. Эътибор бергин, болажон: анжир дарахти ўзи сув ичади, болаларига эса сут ичиради. Боласи улғайгач, бир анжирни узиб кўрсанг, ичидан оқаётган сутни кўрасан. Ҳар бир чақалоқ дунёга келиши билан дастлаб меҳрибон онасини кўради. Онаси меҳр билан бағрига олиб, унга сут беради. Кўрдингми, ҳали мурғак, миттилигингдаёқ Яратган Эгам сени ризқ билан таъминлади. Шунинг учун кексаларимиз дуо қилганда: «Ризқинг бутун, умринг узун бўлсин», дея ният қилишади. Мана шу жажжи чақалоқларга ризқ-насиба берган Роббимга ҳамду сано бўлсин.

Она қорнидан қарор топиб, жисмоний сурати тугагунича бола жонсиз бўлади. Аллоҳ таоло она қорнида жонсиз жасадга руҳ беришни мурод қилганидан, аршнинг хазиналарида маълум муддат муҳофазасига олган руҳни жасадга ирода этади. Шунда, бола қимиirlай бошлайди. Онаси буни баъзан билади, баъзан билмайди. Аллоҳ таоло шундан кейин инсонга ҳаёти давомида ризқ-рўз берди. Фурсат етиб, ажал эшигини тақиллатиб, сўроқлаб келгунича яъни то ризқи тугагунига қадар, унга умр бериб, дунёдаги ўлими яқинлашганида, тўрт фаришта келади.

Демак, ҳаёт – бу инсонга синов учун маълум вақтга белгилаб берилган умрдир. Ҳаётни ҳар ким ўзича тасаввур қиласи. Кимдир оз муддат яшаган бўлса ҳам, одамларга яхшилик қилиб ўзидан нимадир қолдиради. Одамлар уни доим яхши ном билан эслаб юришади. Демак, инсон ҳаётининг қадри унинг қанча яшагани билан эмас, балки қилган яхши амаллари билан ўлчанади. Ҳар кимнинг ҳаёти ўзи учун қадрлидир. Эртанги кунимизга умид қилиб, ўтган кунимиздан сабоқ чиқарсак, шунда биз чинакам саодатга эришамиз. Нафсимиз амрига бўйсунмасак, икки дунё ободлигига эришамиз.

ЖОН ШИРИН

Хона деворига осилган гиламни тузатаётганда уни кўриб қолдим. Эшик бурчагига ин қурибди. Унга зарар етказмай, хонани супуриб тозаладим. Бир неча кундан сўнг яна унга кўзим тушди. Мазкур уя соҳиби кичкина ўргимчакда тириклик нишонаси кўринмасди, ҳеч қимирламасди. Мен уни ўлган ҳисоблаб, ини билан бирга олиб ташламоқчи бўлдим. Аммо бир-икки бор унга тегинганимда ҳалиги ўргимчакка жон кириб, қимирлаб кетса бўладими? Ваҳимага тушганимдан ики-уч қадам орқага тисланганимни билмай қолдим. Ўргимчак ўлмаган экан. У худди ўликка ўхшаб ётган экан.

Неча миллион ҳашорат қиши бўйи ухлайди. Чунки қишида егулик топиш жониворлар учун анча қийин. Бу фаслда ер юзини оппоқ қор билан ўраган Аллоҳ таоло ризқ топишга қийналган бу ҳашоротлар учун қиши уйқусини икром этди. Ҳозир менинг уйимда қиши уйқусида ётган ўргимчак меҳ-

моним бор. Ўзига тўрларидан кўрпа тўқиб олган ўргимчак қиши уйқусига кетган эди.

Совуқдан ўзини асраш эҳтиёжи фақат инсонларга хос эмас.

Ўтган йили онам билан бозордан қайтаётиб ёмғирда қолиб кетдик. Ҳолбуки, опам уйдан чиқаётганимизда соябон олишни тайинлаган эди. Мен соябон кўтариб юришни ёқтирумайман! Шунинг учун олмагандим. Оқибатда менинг инжиклигим сабаб, қайтишда жиққа шалаббо бўлдик. Шу туфайли опам билан ўртамизыва баҳс бўлиб ўтганди. Мен:

– Инсон эҳтиётини қилиб, ҳар нарсани ўйлаб топади. Ёмғирда ивимаслик учун соябон, узоқни яқин қилиш учун машина, самолёт, вақтини тежаш учун турли техника ва ҳоказо... – дедим опамга.

– Нима ҳам дердим, азизим. Одамга жон ширин-да!

– Жонини асраш учун хаёлига нима келса, шуни ихтиро қиласди.

–Faқат шу дунёда жон роҳатини ўйлайдиганлар охиратига қайгурмайди, – деди опам.

Рост, модомики, азиз жонимизни асрашни ўйлар эканмиз, у ҳолда, нега абадий ҳаётимиз учун жон куйдирмаймиз!? Ширин жонимизнинг қадри шугинами? Нафсимизни гуноҳлардан асраш учун берилган қалқонларни нима қидик?

Бошимизга нафс олиб келган оғатлар қиши фасли келтирган заарлардан минг маротаба кўп. Барча сабаблар бир жойга йифилиб: «Сен Аллоҳ таолонинг ожиз қулисан», дея садо беради.

Дарҳақиқат, инсон учун жон ширин, жон қадрли. Ҳаётда ҳамма ҳам эришган ютуқдари билан мақтанишни истайди. Аммо оғиз кўпиртириш билан мақсадга эришолмайсиз. Чунки мақтаниш ҳар

бир эси пастнинг қўлидан келади. Агар мақтандоқчи бўлсангиз, ҳаётда қийинчилекларни енгабилишингиз билан мақтанинг. Сабаби, қийинчилекларни енгиш инсондан доноликни талаб этади. Ҳаётда мақсадга эришмоқлик муҳим экан, ўзингиздан яхши ном қолдириш учун яшанг.

НАФС ҲИЙЛАСИГА УЧМАГАН ҚАЛБ

Бошланғич синфда устозим айтиб берган масал ҳануз ёдимда:

– Чумоли ёз бўйи меҳнат қилиб, қишиғамини ер экан. Дўсти чигиртка эса шўх, ўйин-кулгуни ёқти-раркан. Ҳар куни тонгда уйғониб, ашула айтиб, кунини ўйин билан ўтказади. Бунинг устига, чумолининг тинмай меҳнат қилишини кўриб: «Бу ажойиб кунда ўйнаб-кулиш керак. Ишлашинг нимаси? Кел, қўй, дон ташишни бир зум тўхта-тиб, сен ҳам ҳаётдан баҳра олгин» деб уни мазах қиларкан. Чумоли эса: «Ишлаган тишлайди», деб дон ташишни давом эттириб, чигирткага ҳам на-сиҳат қилибди: «Кўп ўйлама. Ёздан сўнг қишиллади, қуёшли кун эмас, қор ёғади. Ҳозир нима йиғсанг, қишида шу сени омон сақлайди». Иккиси ҳам бир-бирига сўзини ўтказа олмабди. Аммо ҳар иккиси ҳам ўз билганидан қолмабди. Ёз ўтиб, қиши келибди. Совуқ кунлар бошланибди. Чигиртка титраб, қалтираб бир кун чумоли эшигини қоқибди. Аммо унга ким ёрдам қиласиди? Сўнгги пушаймон нимага ярарди? Ёзда меҳнат қилган, қишида роҳат топади, деб бежиз айтишмайди.

Устозимиз чумолидай меҳнат қилиб, ўқишимиз зарурлигини, ушбу масалдан ўзимиз учун хулоса чиқариб, ибрат олишимизни, шундагина яхши касб соҳиби бўлишимизни уқтирган эди. Мактаб-

да аъло баҳога ўқисак, уддабурон бўлсак, ҳаётда кўп муваффақиятга эришишимиз мумкин экан.

Ўтаётган кун, отаётган тонг, ботаётган қуёш – умр мазмунининг энг гўзал тасвири. Уларга боқиб, ҳаётни ва яшаш фалсафасини англайсан киши. Аслида, умрнинг ҳар лаҳзаси гўзал. Гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак. Қизиги шундаки, инсон дунёдан ўтгач, шифокор, ходим, мухбир ... ким бўлиб яшашидан қатъи назар, нариги дунёда барчаси бир хил саволларга жавоб берishi учун тер тўкади:

- Роббинг ким?
- Ҳаётингни қандай ўтказдинг?
- Закот бердингми?
- Ҳалол ризқ топдингми?
- Болаларингга яхши тарбия бердингми?
- Илмингга қай даражада амал қилдинг?

Одатда, «Нима учун ишлаймиз?» дея берилган саволга «Ноним бутун бўлиши учун», деб жавоб қилишади. Лекин инсон бундан қўпрофига умидворки, фақат рўзгори бут бўлиши билан чекланмаяпти. Оч қолмаслик, битта уй ва машина билан чекланиб қолмаслик учун ишга мукласидан кетяпти. Мартабаси ошган сайин маоши ҳам қўпаяди. Обрўли касб соҳиби бўлади, жамиятда юксак даражаларга эришади. Яхши яшashi учун барча шароитларни яратади! Шунча яхши шароитга эришгани ҳолда ибодат учун ҳеч вақт ажрата олмаётгани аянчли ва ачинарли ҳол. Мол-дунё йиғишдан бир зум тўхтаб, бу ҳаётда нима учун яшайдиганини ўйлаб кўрганмикан? Бу фоний дунёда тинимсиз, ором нима билмай ишлашлари охиратини обод қилишга ярмикан!? Азизим, уй ё машинани иккита қилиш учун эмас, у дунёда гуноҳларингизни ювуб кетувчи савоблар учун яшанг. Заифлар кўнглини олинг, муҳтоjlар оғирини енгил қилинг.

Инсон ақди доим кеч киради, дейишади. Борингки, киши 40-50 ёшида яшашдан мақсад нелигини англасин (кечикиб келган баҳт!). Умр поенига етмасдан гуноҳига тавба қилишга шошилади. Бир томондан ўлим қўрқуви, бир томондан «Топғанларимни қандай сарфласам, баҳтли яшайман?» бу – хавотир (Ўлим қўрқуви одамни ҳаётдан лаззатланиб яшашга қўярмиди?!). Ниҳоят, шунча елиб-югуриб топганини роҳатланиб ея олмай, жони узилиб, тупроқ киради. Топгани эса фарзандларига мерос бўлиб қолади. Хулоса, гўё бу инсон умри давомида бошқалар учун яшаган. Аммо ўзи учун нима қила олди? Ҳаёт моҳияти, лаззатини англашга улгурдими? Менимча, йўқ!

Ҳар лаҳзада янгитдан яратилаётган, янги қиёфага кираётган борлиқ, мунаvvар олам бизга мудом Роббимизни танитишда давом этмоқда. Куёш: «Мен бугун уйқудан бош кўтармайман. Ором оламан», гул: «Мен бугун очилмайман», товук: «Бугун тухум қўймайман», демайди. Улар бир кун ўз юмушини бажармаса, ҳаёт занжири узилади. Улар Аллоҳ таоло амрига биноан ҳар куни ўз вазифасини хатосиз амалга оширади.

Кузатсангиз, қишин-ёзин беш маҳал аzon айтилади. Ҳар лаҳза барча жонзот учун коинот Сарвари ер юзига неъматлар юборади. У Зотнинг ихтиёри билан барчамизга фаришталар ризқ улашишда давом этишади. Буларнинг бари холис ибодат туфайлидир.

Шундай экан, бажарадиган ҳар бир ишимизни дунёвий бўладими ёки ибодатми, самимий қалб билан амалга оширмоғимиз лозим. Ибодатни чин қалб билан қилсак, қалбимизни Суйган ёри билан учраштирган бўламиз. Одам қалби у нимага аҳамият берса, ўша билан банд бўлади. Намоз вақтида хаёлида Аллоҳ таоло ҳукмрон одам қалби,

албатта, Худода бўлади. Ихлос билан қилинмаган ибодат туфайли одамдан намоз ўқиши вазифаси соқит бўлади. Ибодатда хаёлнинг бошқа ёққа кетиши, қалбнинг бошқа хаёл билан машғул бўлиши шайтон амалларидандир.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Бандалар то беш вақт намозларини ўқир эканлар, шайтон жуда заифлашиб қолади. Шунинг учун у қўлидан келганича одамларга намоз ўқишида тўсқинлик қиласди. Агар одамлар бенамоз бўлсалар, шайтон уларга истаган ишини буюра олади».

Шундай экан, биринчи навбатда, қалбимизни ҳар хил губорлардан асраш лозим. Шунда шайтон васваса қилишда сизга ибодатда, савоб ишлар, яхшилар дуосини олишда тўсқинлик қилишда ожиз қолади.

Уч хил қалб бўлади:

- Дунё учун куйинадиган қалб. Бундай қалб дунёда қийналиб яшайди ва доимо азобдадир;
- Охират учун куйинадиган қалб. Бундай қалб соҳибига ажру савоблар бор.
- Аллоҳнинг ошифи бўлган қалб. Бундай қалб учун дунё ҳам, охират ҳам, маъшуки ҳам берилади.

Ҳа, ихлос билан ибодат қилувчи, эзгуликка интилиувчи қалбдан шайтон ҳайдалган. Бундай қалб соҳиблари Аллоҳ вафодор, қудратли ва суюкли эканлигини аллақачон тушуниб етганлар. Аммо қалби губордан холи бўлмаган одамлар осонлик билан шайтон домига илинадилар.

БОЛА – АЗИЗ, ОДОБИ – УНДАН АЗИЗ

Онам деразамизниң кенг токчаларини ажойиб гуллар билан түлдиради. У гул парваришилашни яхши күрарди ва яхшилик, гүзәлликка севгиси-ни шу билан түлдирмоқчи бўларди. Дераза токча-сидаги бу гуллар жуда нафис эди, одамни ўзига маҳдиё этарди.

Аммо бу ям-яшил гүзәлликка маҳлиё фақат онам эмасди. Баҳор келгач, уя қуриш учун қулай ер талашиб юрган қумрилар дераза олдидаги бу ажиб гуллар атрофида ўйноқлашарди. Айвон бурчагига ин қуришга ҳозирлик кўра бошлашарди. Бири ин учун хас-чўп ташиса, иккинчиси бор маҳоратини ишга солиб полапонлари учун қулай, шинам уя қуришга киришиб кетарди.

Оlamлар Сарвари яратган ҳаёт мана шулар билан гўзал, завқли, азизим. Қушларнинг бир-бирига меҳри, полапонларига ризқ олиб келиш учун навбатма-навбат учеб кетиши, бошқаси боласи-ни қўриқлаб қолиши, саҳарда мана шу ажиб тонгга етказгани учун Аллоҳга ҳамду санолар айтиб куйлашлари, чуғурлашлари... Инсон шулардан ўrnak олса, ҳаёти қанчалар гўзал бўларди. Аксин-ча, бир оила бўлиб яшасак-да, бир-бирининг гўштини ейишга тайёр оиласалар камми? Қаерда қолди тўйдан олдинги севги, меҳр, қалбларни тит-ратган туйғу!?

Ана, қушларни кузатинг. Ин қуриш учун икка-ла жуфт баравар ҳаракат қилмоқда. Оила ҳам икки томон меҳри, бардоши билан мустаҳкам бўлади... Ниҳоят вақти-соати етиб, қушлар уяси-да икки митти тухум пайдо бўлди. Сўнгра жаж-жи полапонлар тухумни ёриб чиқди... У ўсиб ул-гайди. Ота-онаси полапонларини парваришилаши, овқатлантиришини завқ билан кузатардик. По-

лапонлар учирма бўлишини қўриш мени энг ҳаяжонлантирадиган дамлар саналади.

Ҳар баҳор бу лаҳзани интизорлик билан кутардим. Мана, ўша онлар келди. Ана полапонлар қувватга кириб, уяси атрофида юришни, кейин қанот қоқишини ўргандилар. Рост, унчалик дадил, жасур эмас эдилар. Онаси мудом ин атрофида айланар, қушчаларни ўзи билан бирга учишга чорларди. Полапонлар ҳам онасини дикқат билан кузатишар, унга ўхшаб, қанот қоқишига тиришар эдилар.

Мени ўйга согани қушларнинг тарбия усули эди. Полапонларнинг учирма бўлиш вақти етганда она қуш хўракни улар тумшуғига олиб келмас, уя четида турар, полапонлар бўйини чўзиб, ўзи томон келишини истарди. Полапонлар юриш, йикилишдан қўрқишиар, аммо очликлари учун хўррак томонга юришга мажбур бўлишарди. Шу тариқа, она қуш полапонларни юриш, югуриш, учиш, тўсиқларни енгиб ўтишга ўргатиб олди. Энди ризқ-насиба полапонлар оёғи остига келмас, улар ризқ излаб, у томон талпинишарди.

Ҳа, болани ёшлиқдан тарбиялаш, унга илм, ҳаёт мўъжизалари, яшаш қадрини ўргатиш лозим экан. Инсон илм олиб, билимларини мустаҳкамлаб бормас экан, бақувват ва эгилмас дарахтга айланана олмай, нимжон, ожиз ниҳол каби қолиб кетади.

БОЛА ҚАЛБИДАГИ ГЎЗАЛЛИК

Ҳар бир бола аслида исломий фитрат билан дунёга келади. 7 ёшгача болада гўдаклик даври ҳукм суради. Бу даврда ота-она унинг саломатлиги учун масъулдир. Уни кийим, озиқ-овқат, бар-

ча зарур нарсалар билан таъминлайди. Тарбия жараёнида ота-онанинг ўз вазифасини сидқидилдан бажариши катта аҳамиятга эга. Кичикликдан болада одоб-ахлоққа пойдевор ҳозирланади. Чунки у ёшлигига атрофидагиларга тақлид қиласи. 14 ёшдан болада ёшлик босқичи бошланади. Бу даврда фарзанд вужуди камол топади. Танаси куч-қувватга тўлади. Агар олдинги босқичларда бола қалбига Аллоҳга юксак ишонч, севги, Унинг қаҳрига қолишдан қўрқув ҳисси чуқур сингдириса, ушбу босқичда фарзанд етук иймон эгаси бўлиб етишади.

Сўнгра навқиронлик даври бошланади. Илк даврда ҳозирланган иймон қуввати, Ҳақ ва Ҳақиқат хусусидаги билимлар, гўзал ҳис-туйғулар бу даврда етук инсон бўлиб етишиши омилидир.

Ота-она бу давргача фарзанд тарбиясига бепарволик қиласа, зурриёди ҳар турли гуноҳларга юз бурган, ахлоқсиз инсон бўлиб қолади. Агар ота-она бу давр мобайнида фарзанди қалбига иймон, гўзал ахлоқ ҳис-туйғуларини сингдирса, фарзанди уддабурон, ҳар хил нафс балоларидан юз ўгирувчи, хайрли ишларга бош бўлувчи инсон бўлиб етишади. Фарзанд бу даврда ҳар бир масала хусусида ота-она маслаҳатига муҳтоҷ бўлади.

Ҳеч бир ота-она фарзандига гўзал тарбия ва яхши одобдан ортиқ бир туҳфа инъом қилолмайди.

Бола гўдаклигига ёқ ҳамма нарсани ҳис қиласи. Бу эса Аллоҳнинг энг катта мўъжизаларидан бири. Шунинг учун аёллар ҳомиладорлик даврида жуда эҳтиёт бўлишлари, аввало, ҳалол луқма ейиши, ҳаром луқма ейишдан тийилиши лозим.

Азиз ота-она! Фарзандингизни парваришлаб, тарбия беринг. Токи, кейин сиздан кулгувчилар

топилмасин. Шуни унутманг, боланинг уятчанлиги, унинг келажакда яхши феъл-атвор соҳиби бўлишидан хушхабардир. Фарзандингизга, аввалио, тилини тийишни ўргатинг. Чунки гапиришни боланинг ўзи ҳам ўрганиб олади. Боладаги инжиқдик нотўғри тарбия оқибати саналади. Шу сабаб, унинг қалбida эзгулик, гўзалликни уйготинг. Шундагина фарзандингиз саховатли, тадбирли ва омадли инсон бўлиб улгаяди.

Аллоҳ – гўзал. У яратган мавжудотлар ҳам гўзал. У гўзалликни ёқтиради. Шундай экан, комил инсон ҳатти-ҳаракати ҳам гўзал бўлиши, гўзалликка гўзаллик билан жавоб бериши лозим.

АҚЛ – ДҮСТ, НАФС – ДУШМАН

Уйимиз деразасидан кўчани томоша қилар эканман, ҳали вақт эрта бўлганидан ташқарида одам кўп эмас эди. Бир вақт баланд бўйли қизга кўзим тушди. Кучугини сайдрга олиб чиққан экан. Ити итмисан ит экан-да! Оппоқ юнгларини айтмайсизми! Жуссаси ҳам баҳайбат. Нақ катта оқ айиқнинг ўзгинаси. Кучук истаган ерида сайд қилар, қиз бечора қанча уринмасин, итни йўриғига сололмасди. Аксинча, ит қизни ортидан юришга мажбуrlарди.

Ажаб ҳоллар. Баъзи инсонлар нафсининг жиловини дунёвий орзуларга тутқазиб қўядики, кейин нафсни асло ўз ҳукмига юргизиб бўлмайди. Нафс хуруж қилганида инсонда на виждон, на ақл, на кўнгил қолади. Ҳайвонсифат одамга уч нарса керак: нафс, нафс ва яна нафс.

Инсоннинг энг нозик жойи – нафсига хуш ёққан неъматга ўрганиб қолишидир. Қуш ҳам уясида кўрганини қилади. Менинг оилам бундай

эмас, десангиз, демак, сиз тарбияни қўчадан ола-ётган бўласиз! Аслида инсон девордаги осма соатга ўхшайди. Ҳамма уни қўрганда юраяпти, дейди. Аммо у бир жойга туради ва эскира бошлайди. Лекин унинг атрофи ўзгаради (деворни бўяшади). Ҳаётга бир бора келдикми, тўйиб кетайлик, деб яшаш керак эмас.Faқат ўз нафсини ўйлаб яшашдан не маъни?!

Нур бор жойда, соя бор. Бу – табиатнинг ўзгармас қонуни. Ҳар бир инсон тарбия топиш жараёнида атроф-муҳит таъсири остида бўлади. Аммо киши нафс амри билан яшайдими ёки нафсини жиловлай оладими – бу ҳар бир инсоннинг Худога ишончи ва иймонига боғлиқ.

Аслини олганда барчада нафс бор. Ҳатто, энг кичик жонзотда ҳам! «Душманга берсанг, у дўстингга айланиши мумкин. Аммо нафсингга берсанг, у бундан ҳам катта душманингга айланниши мумкин» деган нақд бежиз эмас.

Аллоҳ таоло биз бандаларга нафсни тарбиялаш учун рўза ойини берди ва нафсни бир ой давомида қийнади. Энди биз фақат рўза ойида эмас, доим нафсимизни тарбияласак яхши бўлади!

«Нафс» тушунчаси фақат ейиш эмас, балки барча очкўзликни ҳам ўз ичига олади. Масалан, чиройли кийимни кўриб қолдингиз ва бошқа зарурат учун асрраб қўйилган пулга уни сотиб олдингиз. Бу очкўзликдан бошқа нарса эмас. Очкўз инсон ўз нафсини идора қилолмайди. Нафсини назорат қилишни уddaлаган инсон икки дунёси учун кўп савобларни ҳозирлайди.

Эътибор беринг, рўза тутган кунлари кун бўйи нафсимизни жиловлаб юрамиз. Лекин шомдан кейин-чи? Рўза тутганларнинг кўпи ўз нафси жиловини қўйиб юбориб, очкўзлик билан учрашади, яъни куни билан ея олмаган овқатларини

шомнинг ўзида еб қўйишади. Бу уларга ғалати бўлиб туйилмаслиги мумкин. Бироқ бу очкўзликдан бошқа нарса эмас!

Нафсининг қулига айланган гумроҳ бандага ҳаёти давомида турли кулфатларга дуч келиши бежиз эмас. Нафс кишини бировга зарар қилиб бўлса ҳам, фақат ўзи ҳақида ўйлашга ундаиди. Шунда киши қилган ишлари ёмонлигига қарамай фойдасини ўйлади. Ҳаётда ҳавоий нафсга берилишнинг энг асосий сабаби – киши иродасининг заифлиги ва илмининг ожизлигидир. Нафс инсон ақлини ўзига бўйсундирса, киши бошқа фикрларни идрок қилиш, эслашга қодир бўлмай, балки фақат бир нафс атрофида ўралашиб қолади. Инсон нафс қулига айланса ундан бошқасини ўйламай қўяди. Шунинг учун ҳам нафс билан ақл ўртасида катта фарқ бор. Ақл ҳукмига бўйсунгандан, улкан натижаларга эришилади. Нафсга берилиш эса, инсонни тўғри йўлдан адаштиради. Ачинарлиси шуки, баъзилар билиб туриб, тўғри йўлдан адашишади. Инсон табиатан қизиқувчан. Одам ман қилинганига қизиқиб ортидан боради, ўзини оловга ташлайди.

Ким Роббисининг мақомидан кўрқса ва ўз нафсини ҳаволаниб кетишидан қайтарса, албатта, жаннат неъматларига эришади, иншааллоҳ.

*Нафс айтди: роҳат қил,
Иймон айтди: тоқат қил.
Нафс айтди: вақтинг бор,
Иймон айтди: аҳдинг бор.*

Инсон чеҳраси ҳамиша унинг ички оламини акс эттиради. Ички олам қанчалар гўзал бўлса, нафс шунча ортга чекинади. Аллоҳ гўззаликни суяди.

Инсон гўзал фазилатлари билан эл назарига тушиши бежиз эмас.

Яшин бир жойга икки марта тушмайди. Инсон ҳам ҳаётга икки бор келмайди. Шундай экан, бир марталик ҳаётимизда нафс амрига бўйсунмайлик. Сизга донолик ярашади. Мусулмон бўлган ҳолда, нафс амрига бўйсуниб яшайдиган аҳмоқча айланманг.

БОРЛИҚДАГИ ҲАР БИР МАВЖУДОТ ҲИКМАТ БИЛАН ЯРАТИЛАДИ

Ўргандим, изландим! Барчасини кузатдим. Мафтункор манзаралар, боғларни томоша қилдим. Ўзим боролмаган ерларни кўз олдимдан бир-бир ўтказдим. Бу оламда хунук, нуқсони бор мавжудни тополмадим. Автобусда Охир Холич кўпригидан ўтаётган дамларим ҳаёлимга келди. Автобус деразасидан димоғимга денгизнинг бетакрор ва мусаффо ҳавоси уриларди. Бу ҳам Роббим яратган гўзалликларнинг бири.

Боғдаги гуллар атрофидаги тошлар, гулдан-гулга қўниб ўйнаётган капалаклар, энг кичик зарра ҳам боғ гўзаллигини ифодалар эди. Гўзаллик ёнида бирор хунук мавжудот кўрсангиз, гўзаллик қийматини янада кўпроқ англайсиз.

Бутун борлиқ гўзал. Парвариш қилинсагина нарсалар асл гўзаллигини йўқотмайди. Атиргулга чиройи учун маҳдиё бўламиз. Агар ўғит бериб, парвариш қилинмаганида, бу гул шундай гўзаликка эриша олармиди?

Ўлган ҳайвоннинг ўлимтиги, ҳиди нохуш туйилади. Аммо ана шу жасад ер усти ва остидаги қанчадан-қанча жонзотга ризқ бўлиб, уларни очликдан асрайди. Биз учун кўнгилни оздирувчи бу

жасад бошқа ҳашаротлар учун ризқ дастурхони, севинтирувчи инъом саналади. Кўринишидан гўзал бўлмаса-да, бирор корга ярайди шу ҳайвон ўлимтиги.

Борлиқдаги ҳар бир мавжудот илоҳий санъат ва бир ҳикмат билан яратилади. Яратилганларнинг бари: инсон, ҳайвон, ой, қуёш, бетакрор гуллар – уларни бир жойга тўпласак-да, хаёлан гўзалик танловини ўтказсак, сиз бу танловда биринчи ўринни кимга берар эдингиз?

Масалан, олмани олайлик: хуш таъми, иси ва ажиг ранглари билан одам иштаҳасини очади. Олма дармондориларга бой мева! Танамизда ҳам бу меванинг темир моддасига эҳтиёж жуда катта. Хуш таъми, ажиг пўсти билан у гўзал кўринади. Агар олма пўстини арчиб, бирор соат шу ҳолда қўйиб қўйсангиз, у қорайиб чиришни бошлияди.

Олма тишларни мустаҳкам қиласди. Қоринни тўйдиради. Таркибидаги дармондорилар инсон танасидаги микробларни ўлдиради. Қувват беради. Бу яхши. Аммо олмани шунчалар фойдали қилиб ким яратган? Уни бир сиқим тупроқ остидан ниҳол қилиб ўстирган, жило, ранг, хуш таъм ва ажиг шакл берган ким? Уни ким инсон учун юборган? Коинотда минглаб гўзаликлар мавжуд. Фақатгина олманинг шунча сифатларини келтирдик. Оламлар Сарвари яратган минглаб гўзаликлар ичида алоҳида ажралиб турувчиси бор. Уни бошқа жонзотлардан ажратувчи сифат: ақл, рух, кўнгил ва виждан соҳиби эканлиги. У қўрганларини тафаккур қила олади. Бу – ИНСОН. Аллоҳ таоло инсонни барча мавжудотлардан гўзал қилиб яратди.

Бир эр-хотин бор экан. Бир кун иккаласи жанжаллашиб қолибди ва эр хотинига: «Агар ойдан

чиройли бўлсанг, талоқсан» дебди. Хотини йиф-лаб қозининг олдига борибди: «Эрим шундай деди. Қози жаноблари, энди талоқ тушадими?»

Қози аёлни устозининг олдига юборибди. Устози воқеани эшитиб, аёлга талоқ тушади, дебди. Аёл йиглаб, яна қози ёнига борибди. Қози бор гапни эшитиб, устози олдига борибди.

– Устоз, ҳукм нотўғри. Аёлга талоқ тушмайди, – дебди.

– Нега тушмас экан, инсон ойдан ҳам чиройли бўла оладими? Қара, ойни, қандай ажиб нур сочаяпти? – дебди устози.

– Устоз унутдингизми? Аллоҳ таоло: «Инсонни барча мавжудотдан гўзал қилиб яратдим», дея буюрмаганмиди?! Шундай экан, ой инсондан гўзалроқ бўлиши мумкинми? Гўзаллик борасида ўйланда ана шуни асло унутмайлик.

Бизга инсон бўлишдек бебаҳо баҳт берилган экан, уни асраб-авайлайлик. Инсон бу баҳтни йўқотса, қайта топа олмайди.

АЗИЗИМ, СЕНГА НИМА БЎЛДИ

Инсоният меҳнат қилмаганида, шубҳасиз, ақлдан озарди. Чунки ишлаш, бирор касб эгаси бўлиш, фарзларига амал қилишда ўзгача завқ бор. Инсон қанча кўп ишласа, шунча тезроқ ўзини англаб боради. Инсон учун ўзининг бирор корга яраши, қўлидан бирор иш келишини ҳис қилиши – энг гўзал туйфу. Аммо бу фақат бир восита бўлиши лозим. Кун кечириш, фойдали касб бошини тутиш, инсонларга яхшилик қилиш – бунинг бари Аллоҳ ризоси учун амалга оширилганидагина инсонни саодатга етаклайди. Азалдан ҳукм суринг келган «Қанча кўп ишласанг, шунча кўп бойлик

орттирасан» деган фалсафа эса кишини хатолар оролига бошлаши мумкин. Очкүзлик инсон бошига нималарни солмайди? Биз учун берилган имкониятларни ана шу очкүзлик олиб қўяди.

Эҳтиёж ҳеч қачон тугамайди. 5 миллион пулга эҳтиёжи бор инсон, унга эришгач, кун келиб, 5 миллион пулга ўзи асир бўлиб қолади. Пул инсонни эмас, инсон пулни яратганини унутиб қўямиз. Пул деса, ҳатто онамиз ҳам ёддан кўтарилади. Пулни деб беғубор гўдагимиз шафқатимизга зорлигини, уни бир бора бағримизга босишимизни кутаётганини унутамиз. Доим ишга шошамиз. Яқинлар, сизга меҳр берган инсонлар кўнглини олиш учун ҳам шошилиш лозимлигини хаёлингизга келтирғанмисиз?!

Лекин биласизми, ҳамёningизда бир тийин топилмаса, ҳеч нарсага эҳтиёжингиз бўлмайди... Бироқ маошингизни олишингиз билан яна нималардир олгингиз келади, ҳам қолмайди эҳтиёжлар кўпаяди. Бу эҳтиёжлар орасида нималар йўқ дейсиз? Янги оёқ кийим, сўнгги урфдаги кўйлак, хонага янги жиҳоз, ошхона учун янги идиш ва ҳоказо. Мен эса буларга эътибор бермайман. Маошинга дўстларимни севинтириш учун уларга совфа оламан. Муҳтоҷлар оғири енгил бўлиши учун боримни сарфлаб тугатаман. Ўша дамда моддий эҳтиёжлардан ҳам қимматлироқ маънавий бойликни кўнглим ҳамёнига солиб қўяман.

Инсонлар бир ҳафта ишлашдан тўхташса, телбага айланишлари аниқ. Сабаби, ишлаб маош олиш, кун кечириш улар ҳаётининг асосий фоясига айланиб қолган. Асосий мақсади шундан иборат гўё. Ишдан айрилса ўз-ўзига: «Мен энди нима қиласман? Қандай яшайман? Ҳаётда яшашдан мақсадим нима?» сингари саволларни бера бошлийди. Ўзига бу саволларни беришга фурсати

бўлмагани, асосий мақсадини унугани, ҳеч ни-
мага ярамай қолишининг даҳшатини бошидан
ўтказади. Лекин бу ачинарли ҳол эмас. Чунки
инсон бошига кулфат тушгач, яшашдан мақсад
нима эканини англаб етади. Пул тополмай оч
қолиш кўрқинчли эмас. Аммо инсон руҳи очлик-
дан чирқираши, маънавий озуқа ололмаганидан
надомат чекиши аянчли! Бу ҳолга тушмасликни
хоҳлаган, имони мукаммал бўлишини истаган
киши камтар бўлиши лозим. Имон комил бўлиш-
ни истамоқ ҳар биримизнинг вазифамиздир.
Ўзини энг заиф киши деб билиш шу одам камо-
лотидан нишонадир.

Шуни унутманг, одоб бўлмаган жойга шайтон
киради. Одоблидан шайтон қочади. Кимнинг одо-
би бўлса, суннатга йўл топади. Ихлосли киши эса
Аллоҳга яқинлашади.

Бошқаларга берганини Аллоҳ розилиги учун
берган, бошқаларни севганини Аллоҳ ризоси учун
севган, севмаганини ҳам Аллоҳ ризолиги учун сев-
маган кишининг имони комилдир.

Доим дуода бўлинг. Щундагина қалбингизни
тирик топасиз. Ахлоқингизни гўзал қилинг, маъ-
навиятингиз юксалади. Эзгулик ва ёвузлик, жа-
ҳолат ва камолотнинг ўзаро кураши ақл-заковат
соҳиби бўлмиш инсоннинг ўзини англашига олиб
келган. Бу икки муқобил куч кураши инсоннинг
ички оламига хос нафс билан қалб, ақл билан ақд-
сизлик ўртасидаги курашда ифодаланади. Ҳар
ищдан эзгулик излаш керак. Ҳар ишнинг ортида
яхшилик яширин. Инсонлар ҳар хил. Фазл аҳли
эса доим ҳар ищдан ҳикмат қидиради.

ҚҮЛІНГИЗНИ ДУОГА ОЧИНГ

Дуо қилаётган одам доимо умид билан яшайды. Чунки қўлингизни дуога очиб истагингизни сўрасангиз Аллоҳ сизни эшитади. Дуоларингизни ижобат қиласди. Ул Зотни дуо қилиб эслаган чоғингизда ҳам орзуларингизга эришасиз. Зотан, Аллоҳ таоло ожизга марҳамат қиласди, фақирга мадад беради.

Агар сиз имтиҳон қилинаётган бўлсангиз, бу Аллоҳ сизни унумаганидан далолат. Аллоҳ менга ёлвормасин, деб ёмон инсонларга дард бермас, балки? Шунинг учун ҳам Фиръавн умри давомида, ҳатто бош оғригини ҳам ҳис қилмаган экан.

Биз каби бандаларни Роббимиз унумагани улкан баҳт. Керак бўлса, ул Зот қалбимдан ўтаётган туйгуларни билишини истайман. Ҳаётда етиша олмаган орзуларимга фақат У етказади. Ниятларим ушалишига йзи сабабчи бўлади. Бирор муаммони, ўз кучим ва ақдим билан ҳал эта олмайман. Барчаси Роббим ихтиёрида. Зотан, бергувчи, барчасини билгувчи Яратган Эгамдир.

Бошлинаётган ҳар бир ишингизда дуога қўл очиб оламлар Сарварини ёд олинг. Унга ҳамдлар айтган, ягоналигини эътироф этган бандалар синовлардан омон ўтади.

ОЖИЗ ЁКИ ЗАИФ БЎЛИШ АСЛИДА НИМА

Ҳозирги уйимизга олти йил один кўчиб келгандик. Бу ҳовлининг боғида мева дарахтларидан гилос, ёнғоқ, ўрикдан тортиб ва кичкина ҳовузгача бор эди. Ёмғирли ҳавода, айвонда чой ичиб, табиатни томоша қилиш барчамизга завқ берарди. Мен ҳайвонларни жуда яхши кўрардим,

қаерга бормай, ўзимга дўст топиб олардим. Аммо бу ҳовлида дўстларим сони кўпайди. Ҳар куни дон билан сийлайдиган 27 та капитарим бор эди.

Аллоҳ таоло барча жонзотларни ўз фазилати билан яратган. Агар улар ожиз ва кучсиз бўлиб қолса, Роббим ҳар қандай йўл билан унга марҳамат қиласи. Ҳатто, инсон қўнглига шафқат солиб, ўша жониворга ёрдам юборади.

«Ҳаёт ва ўлим ўртасида мудом кураш боради. Катта балиқ кичик балиқни ейди. Ким кучли бўлса, ўша фалаба қозонади» деган фалсафа бор. Аслида бу фикрнинг акси ҳам ҳаётда содир бўлади. Эгам томонидан энг кучсиз ва ожизларга эҳсон ва ёрдам юборилади. Кучсизлар кучлилардан устунроқдир. Сабаби, кучсиз, заиф жонзотлар Илоҳий марҳаматтага сазовор бўлишади.

Инсон ўзини баъзан жуда ожиз сезади. Мехрға муҳтож бўлади. Кўзида шавқ кўринмайди. Шунинг учун ҳар бир инсон ва жонзот учун Аллоҳ таоло ўз жуфтини яратган. Ана шу жуфти билан бир-бирини суюб, синовларни енгиб ўтишлари ихтиёр этилган. Қизиқ, икки ақлли инсон ўзаро умр ришталарини боғлаётганида нимани ўйлашар экан? Ахир оила учун жуда ўзни фидо қилиш шарт бўлмаса-да, нимадандир воз кечиш мумкин-ку? Оила – жуфт бўлиб яшаш, меҳр бериб, қайгуриб, парваришлаб, ўрни келганда, юпатиб ва овутиб биргаликда умргузаронлик қилиш дегани. Бундай бандаларни Аллоҳ ҳам унутмайди. Яхши яшаш учун қалбларни ширин орзуларга тўлдиринг. Ҳаётга меҳр кўзлари билан боқсангиз, у сизга энг яхши томонларини кўрсатади.

Шуни асло унутмангки, қўлингизни ёрдамга чўзганингизда у кичрайиб ёки фақирлашиб қолмайди. Қалбингиз эса бойийди.

ИНСОН ҚАНЧАЛИК ҚУДРАТЛИ

Инсон табиатан кучли яратылган. У кучи ет-маган ўринларда зеҳнини ишга солиб, муаммосини ҳал этишга уринади. Масалан, оғир тошларни күтара олмаса, уни техника билан битказишга уринади. Қушлардай осмонга парвоз қилишни истайди. Шунинг учун қаш қанотларига ўхшатиб, самолёт ихтиро қилди. Балиқдай денгиздан баҳра олишни истагани учун кемани кашф этди. Шу тариқа ўз эҳтиёжларини ҳал қилиш учун табиатдан намуна олди. Турли янгиликлар яратди. Инсоннинг бошқа жонзотлардан ажратиб, фарқлаб турувчи кўплаб фазилатлари бор.

Кузатганимисиз, ҳайвонлар гўё бошқа оламда барча нарсани ўрганиб олгандай дунёга келишади. Ўрдак полапони тухумдан чиқар-чиқмас, кўлда сузишни эплайди. Ҳар ҳолда, ўрдакча тухум ичиди сузишни ўрганмагандир, бироқ у тухумдан чиқиши билан сузишни бемалол уддалайди. Асалари, капалак, бошқа қушлар, ҳашаротлар... Барча жонзот худди шундай. Энг кўпи билан икки ой давомида ҳаёти учун лозим бўлган барча нарсани ўрганиб олади. Фақат инсон бундай имкониятга эга эмас. У туғилганидан парвариши, ҳимояга муҳтоҷ. Дунёга келгандан сўнг икки йил ўтибина равон сўзлаб, нима истаётганини атрофдагиларига тушунтира олади. 20 ёшга етгандагина яхши-ёмон, ҳаром-ҳалол, фойда-зиёни ажратишига муваффақ бўлади. Доим кимнингдир ҳимояси ва маслаҳатига муҳтоҷ бўлади. Умр бўйи шу ҳолатда яшайди.

Ризқ-насиба тўғрисида тўхталсак, оддий қушчумчук учун бор дала, хирмон, боф-роғлар хизматда. Ўзи учун қаерда ризқ бўлса, ўша ерга учиб бориб, ризқини териб ейди. Бошқа жонзотлар ҳам

шундай күн кечиради. Лекин инсон ризқ-насибасини топиш учун дастлаб илм олиши, ҳунар ўрганиши шарт. Бунга эса йиллар давомида ҳаракат қилиб, интилиб эришади. Хуллас, инсон чумчук ёки чумолига қараганда минг маротаба оғирроқ тўсиқлардан ўтиши лозим. Бирор ишнинг бошини тутиши, инсонга ўхшаб яшаши учун ҳар бир кишига маълум вақт керак.

Инсон ташқи томондан кучли кўринса-да, лекин у филчалик қудратга эга эмас. Чумолилар ўз оғирлигидан камида 3 марта оғир юкни инига судраб келади. Аммо инсон 50 килограмм бўлса, ўзидан уч маротаба оғирроқ бўлган – 150 килограмм юкни кўтара олмайди. Агар чумоли қилган бир кунлик меҳнатини инсон амалга оширганда нима кароматлар кўрсатар эди.

Энди тафаккур жиҳатдан солишиурсак, ҳайвонларда онг бўлмагани боис улар фақат бугуни билан яшашади ва эртанги куни учун қайғурмайди. Бугунги күн лаззати билан яшайдилар. Чумчук биргина дон еб олган лаззатни, биз музқаймоқ еганда ҳам ололмаймиз.

Инсон кечаги куни хотираларини ўйлади, эртанги куни учун қайғуради. Ана шу бесаранжомлик ҳаловатининг ярмини ўғирлайди. Ҳаёт завқи, мазмуни нима эканини англашга ултурмаймиз баъзан.

Юқоридаги фикрларни мушоҳада қилиб, балки ҳайвонлар инсонга қараганда устунроқ ва баҳтироқ деган тўхтамга келиш мумкинdir. Бизга қараганда, ҳайвонлар лаззат, ҳаловат ҳиссини кўпроқ туядилар, ризқини инсонга нисбатан қийналмай топадилар. Улар бизга қараганда, маҳоратлироқ, озод ва баҳтли кўринишади. Бир сўз билан айтганда, инсон барча мавжудотлар ичи-

да энг ожизи, деган фикр келиб чиқади. Юзаки қараганда шундай хулоса чиқариш мумкин.

Энди азизим, чуқур ўйлаб кўринг. Инсониятнинг орзу ва эҳтиёжлари оламдаги барча жонзорларнидан қўп бўлгани учун уларни бу оламда сифдиролмай, охиратга ҳам олиб кетади. Абадий ҳаётга ҳам етиб борувчи орзу-истаклари бор инсоннинг. Шундай экан, унинг устунлиги, мукаммаллиги нимада?

Юқорида бежиз таъкидлаб ўтмадим. Кучли кўринганлар аслида заифлар тоифасига киради. Инсоният бошқа жонзорлардан қучсиз кўринади. Мана қаерда инсоннинг асл қудрати!

Энг кичик зарра атом саналади. Аммо атом парчалангач, ўртада буюк қудрат ҳосил бўлади. Яъни атом бомбаси. Инсон ҳам шундай. Кучсиз кўрингани билан Аллоҳ таоло унга чексиз куч-қудрат инъом этган.

ИЛТИЖО

Доим дуода бўлган инсоннинг қалби тирикдир. Дуо – доимо илтижо қилиб Тангридан сўрашдир. Инсон нима сўрайди? Нимага эҳтиёжи бўлса, ўшани сўрайди. Кимдан? Оламлар Сарваридан.

Ҳар бир дуонинг ўз фазилати бор. Бозорда боргандага айтилган дуони ўқиб юрсангиз, бозорнинг моддий ва маънавий заарларидан сизни Аллоҳ таолонинг ўзи асрайди. Олди-бердида ҳам барақот ҳосил бўлади. Демак, Бандасининг нимага эҳтиёжи бўлса, Робби унинг дуосини қабул қиласди. Мана шу нуқтада Аллоҳнинг Самад исмига йўл очилади. Самад, яъни барча мавжудот У Зотга муҳтоҷ, лекин ўзининг бирор нарсага эҳтиёжи йўқ Аллоҳ таоло... «Аллоҳус самад» ояти «Ихлос» су-

расида айтилади. «Ихлос» сурасининг номи ва маъноси ўртасида кучли боғлиқлик бор. Аллоҳ Таолони Аҳад дея билган инсон, У Зот яратган барча жонзотга мўъжиза деб қарайди. Бундай мўъжизани яратишга инсон ожиздир. Аллоҳ ризоси учун бу ҳаётда яшайдилар. Яратган Эгамни Самад деб билган инсон фақат Роббимдан ёрдам сўрайди, унинг марҳаматига умидвор ҳолда, дуога қўл очади. Ўзи ризққа муҳтож мавжудот Илоҳ бўлолмайди. Инсон бошига ташвиш тушганда Роббимни ёдга олиб, мушкулини ўзи енгил қилишини дуо қилади. Баъзан туну кун дуо қилишимизга қарамай, негадир ниятларимиз амалга ошмайди. Баъзан дуоси ижобат бўлмаслигига эса бирор сабаб бўлади. Кимнидир ранжитган, закотни вақтида адо этмаган, ибодатда эътиборсизликка йўл қўйган... бирор хато қилган. Шуларни инобатга олмай, ўзимизнинг хатоларимизни тўғриламай, яна ниятимиз ижобат бўлишини кутамиз. Ваҳланки, битта ижобат эшиги ёпилса, барча эшиклар ёпилгандай, энди дуоларимиз қабул бўлмайдигандай, тушкунликка тушамиз.

Инсон табиати шундай. Бошига ташвиш тушса, зир югуриб, тўрт томондан ёрдам сўрайди. Аммо ҳамма эшиклар у учун ёпилган. Нажот берувчи бирор кимса йўқ. Бирор натижа чиқмагач, бирдан хаёлига Роббиси келади ва унга ибодат қилиб, мушкулини осонлаштиришни сўрайди. Куну тун дуода бўлади. Нима учун энг охирги борган эшигимизга биринчи бўлиб бормаймиз? Энг аввал фақат Яратган Эгам марҳаматидан умид қилиб, Ундан кўмак сўрамаймиз? Аслида, зир югуриб, тўрт томондан кўмак излаганимизда, мадад эшиклари юзимизга ёпилиб қўйилишининг сабаби ҳақиқий мадад эшигини топишимиш учундир. Аллоҳ таоло ёнига қайтишимиз учун. Инсон-

нинг ҳар бир тилаги ижобат бўлаверса, Роббим берган неъматларга ким шукrona айтади? Инсон қанча ўзига қулайлик яратса, шайтон фитнасига алданиши шунча осон бўлади. Ўзига лой, ёғочдан бут, санамлар ясад яна бир Илоҳ яратиб олади. Уларга сифинишни бошлайди. Аммо Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқлигини асло унутманг. Акс ҳолда, эзгуликка қайтишингиз қийин. Бу дунёдан хор бўлиб ўтасиз.

Бироқ Ҳақ таоло, Уни танимогимиз, Унга доим дуода бўлишимиз учун бизга ёрдам эшигини ёпиб қўяди.Faфлатда қолган иймон ўз эгасига ҳеч қандай куч ва озуқа бера олмайди. У бир хаёл сифатида келиб кетган тушдаги овқатга ўхшайди. Демак, фафлат уйқусидан уйғонмоқ лозим.

Ихлос билан адо этилмаган намозда, кераксиз нарсалардан сақланмасдан тутилган рўзада, гуноҳлардан тийилмасдан қилинган амалда, сахийлик билинмаган молда, жиддий боғланмаган биродарликда, ихлос бўлмаган дуода яхшилик йўқдир.

Бир вақтлар ажиб ҳикоя ўқиган эдим. Ҳикоя қаҳрамони хаттотлик билан шуғулланар экан. У бир кун китоб кўчириб ўтиrsa, қўшниси нарса сўраб чиқади. Бугун ейишга ҳеч вақоси қолмаганини айтади. Ҳикояни тўлигича келтираман: «Менинг ҳам қўлимда ҳеч нарса йўқ. Бугун энди сабр қиласизлар. Эртага Аллоҳ бир йўлга бошлар, деб маъюсланиб, ишимни давом эттира бошладим. Бир маҳал ковакдан кичкина сичқон чиқиб, китобимнинг устида у ёқдан-бу ёққа ўтаверди. Хаёлимни ҳадеб паришон қилавергач, косани олиб, сичқоннинг устига тўнкариб қўйдим. Бир пайт боласини қидиргандай, она сичқон чиқиб, коса атрофини ҳидлай бошлади. Коса остидан «чи-чи»-лаган овоз эшитилди. Она сичқон ковакка кириб

кетиб, кейин бир мисқоллик олтинни тишлаб чиқди-да косанинг олдига қўйди. Кейин яна инига кириб, иккинчи олтинни олиб чиқди. Мен қараб турибман. Сичқон ташиган олтинлар 14 тага етди. Косани қўтардим, она-бола сичқонлар инига кириб кетди. Мана шу сичқонлар орқали Аллоҳ менинг ризқимни етказган эди».

Дарҳақиқат, бирор сўрамаса ҳам, ҳеч бир эваз олмасдан борини ато қилувчи ёлғиз Роббимдир. Кўплаб ризқ берувчи, ризқдарни ва уларнинг воситаларини яратувчи ёлғиз ўзи Рazzоқдир. Қуръонда барча ибодатлар каби дуода ҳам азму қарорли бўлиш мақталган. Чунки дуода сабрли бўлиш мўминни янада комиллаштиради, кучли иродада эгаси қиласи. Дунёда сабрли бўлган мўмин дуо қилиб, маънавий озуқа топади.

Баъзи пайғамбарлар талабларини йиллар давомида дуо орқали Аллоҳдан истаб келишган. Аллоҳ эса улардан баъзиларининг истагини тез, баъзилариникини эса йиллар ўтганидан сўнг берган. Ёқуб (а.с)нинг ўғли Юсуф (а.с) билан дийдорлашуви, Айюб (а.с) нинг раҳмиларнинг раҳмлиси Аллоҳга қилган дуолар кўп йиллар ўтгандан сўнггина қабул бўлган. Бундан кўриниб турибдики, чин дилдан қилинган дуо албатта, қабул бўлади. Лекин қабул қилувчи Зот қачон хоҳласа, ўшанда Аллоҳ солиҳ бандаларининг дуоларини маълум вақт ўтгандан сўнг қабул қилиш билан уларга хайр истаган. Бу муддат ичидаги улар янада мустаҳкамлашган, жаннатга лойиқ кишилар қаторидан ўрин олганлар.

Кўриниб турибдики, дуонинг натижасини кўриш учун шошилиш мўминга асло хос эмас. Мўминнинг ягона вазифаси Яратувчисига итоат этиш, ўзи учун аталган тақдиррга рози бўлишдир.

ҚАЛБ ТАСКИНИ

Дуода дунёвий ҳаётимиз билан боғлиқ нарсаларни сўраймизми ёки дунёдан кечиб, фақат охират талабида бўламизми? Албатта, Аллоҳнинг холис бандалари учун ҳар иккисида ҳам хайр бор. Маълумки, дунё ҳаёти тезда якун топадиган жуда қисқа ҳаётдир. Лекин ундаги ҳар бир неъмат кишининг Аллоҳга яқинлашиши ва шукр қилиши учун сабаб бўлади. Ундаги баъзи неъматларга қараб, жаннат ва ундаги неъматлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Осмон, Ер, Қуёш, Ой, юлдузлар каби санаб саноfiga етиб бўлмайдиган неъматлар Аллоҳнинг биру борлиги, У ҳар нарсага қодирлигини тафаккур қилишга чақиради.

Қуёшнинг ботиши, қуннинг тун билан ўрин алмашиши, юлдузларнинг пайдо бўлиши, яна тонг отиши каби кўзимиз ўрганиб қолган ҳодисалар оламнинг ягона бошқарувчиси борлиги, Ундан бошқа ҳеч нарса боқий эмаслигини исботлайди. Албатта, тафаккур қилувчилар буларнинг барчасини кўрганда, Аллоҳни поклаб, ёд этадилар. Унинг чексиз қудрати олдида бош эгадилар. Бу эса Аллоҳга маънавий яқинликни тақозо этади. Шу сабабли, Аллоҳ Қуръонда мўминларга ҳам дунё, ҳам охират учун дуо қилиш кераклигини билдирган. Дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳларига алданib қолишдан эса қайтарган.

Инсон табиатан шошилувчидир. Баъзан фитратидаги бу шошқалоқдик юзага чиққанида, хатти-ҳаракатларининг оқибатини ўйламасдан иш тутади. Ҳар нарсани нозик жиҳатларигача билгувчи Роббимиз шундай марҳамат қилган: «Инсон шошқалоқ ўлароқ яратилгандир. Мен албат-

та, сизларга ўз оят – аломатларимни қўрсатурман. Бас, мени шошилтирганлар».

Инсон табиатидаги шошқалоқлик дунёвий неъматларни қўлга киритишда янада кўпроқ юзага чиқади. Албатта, ҳар бир одамда Аллоҳ неъматлари ва жаннатига рағбат, интилиш кучли. Жаннат неъматларига ўхшаш баъзи неъматларнинг бу дунёда ҳам мавжудлиги, жаннатнинг қандай маскан эканлигини тасаввур қилишга даъват қилади ва унга рағбатни янада кучайтириб, солиҳ амаллар қилишга чақиради. Бу неъматларга эришишга кучли истак ҳамда шошқалоқлик туфайли киши уларни тезроқ қўлга киритишни хоҳдайди. Бу шошқалоқлик дуоларда ҳам ўз аксини топади. Дуо қилгандан сўнг тезроқ қабул бўлишини истайди. Сабрсизлик вақти-вақти билан ноумид бўлишга, ҳатто, дуо қилмай қўйишгача олиб келади. Аслида мўмин ўзи учун нима яхши ва нима ёмон эканлигини жуда яхши билувчи Аллоҳни эсда тутиши лозим. Шу сабабли, банда Аллоҳдан бир нимани сўраса унинг оқибатини Тангри ҳукмига ҳавола этиши ва сабр қилиши лозим. Балки дуо қилгани билан кўзлагани амалга ошмаса, демак истагида унинг учун яхшилик йўқдир? Ё сўраганига эришиш учун маънавий камолликка этишиш, бунинг учун маълум муддат ўтиши зарурдир? Эҳтимол, Аллоҳ унга сўраганидан ҳам яхшироғини ато этиш учун сабрини синаётгандир? Шу сабабли, мўмин у ишни Аллоҳга ҳавола этиши, Ундан хайрли оқибатларни сўраб, дуо қилиши зарур. Бу йўлда фақат сабр керак.

ҚҮЛЛИНГИЗНИ ДУОГА ОЧИНГ

Дуо – ожиз ва фақирни англаб етиш, номи ожиз ва фақир бўлган икки бўш кўзани чексиз қудрат ва бойлик оқиб чиқувчи чашмага ботириб олишдир. Сенинг кучинг етмаслиги мумкин, аммо Роббим кучи бунда ожиз қолмайди. Дуо инсон ожиз қолган дамларда Илоҳий кучга айланиб унга мададга келади. Дуо – бўш қўлларингиз Роббим томонидан икромга тўлдириладиган неъмат.

Қўлларингизни дуога очинг! Муҳтоҷлик кўйида кўнгил овланг. Аслида Каъбада не бор, бир дилни қувонтиринг, минг савоб оласиз! Унутманг, ҳалол ризқ дуоларимиз мустажоб бўлишига ва Аллоҳ ризолигини қўлга киритишимиизга сабабдир. Дуо қилишнинг ҳам ўзига яраша одоби, шартлари бор. Бир одам ўз ҳожатини сўраб, дуо қиласи, лекин Роббим унга бошқа ҳожатини чиқаради. Мўмин инсоннинг қўли ҳеч қачон Аллоҳ даргоҳидан бўш қайтмайди. Бир қарашда, содда кўринган ишлар тагида чуқур моҳият ётади! Аммо бизлар бу ҳикматдан ғофилмиз. Шунинг учун дуо ижобат бўлмади, деб нолиймиз. Аввало, фикр қилинг! Бирор дилни ранжитмадингизми? Бугун ҳалол луқма топдингизми? Бу тахминий саволларнинг жавоби ўзингизда!

ДУНЕ НЕЪМАТЛАРИ ВА УНИНГ ЗАВОЛИ

Қўшнимиз биз учун қўшни ҳаққи деб бир халта ёнгоқ чиқарган экан. Мен ёнгоқларнинг пўстини тозалар эканман, ўйга толдим. «Ер устида қулф солинган сандик». Хаёлот дунёсида билганларим, ўргангандаримни бир-бир таҳдил қилдим. Ҳар бир

ёнгоқни пўстлоғидан тозалар эканман, янги-янги кашфларни топардим.

Табиатдаги мавжуд барча ўсимликлар инсонни ҳайратга солади. Атрофни кузатаман. Биргина дараҳтнинг ўзидан қанча нарса яратса бўлади. Ҳар баҳорда дараҳтлар янгидан ҳаёт бошлайди: гуллайди, мева қиласди. Битта дараҳт эккан киши қанча савобга қолади. Хонамиздаги жиҳозлар, эшик, дераза – ром, ажиб жавонлар... Бу жиҳозлар бир вақтлар дараҳт эди, гуллаб мева берарди. Яратганнинг кароматига тан бермай иложйўқ.

Осмон Аллоҳ исмларидан бири бўлгани сабабли, муаллақ турибди. Аммо инсон қалби Аллоҳ китобидаги мингта панд-насиҳат билан ҳам тўғри эмас! Тош сувда юмшамаганидек, ваъз ҳам қаттиқ қалбга таъсирини ўtkаза олмайди.

Баланд-баланд, чиройли қурилган иморатларга ҳавас билан суқланиб боқамиз. Аммо бу иморатларни баланд қилиб, Аллоҳ уйини пасайтирганимизни ўйлаб кўрмаймиз. Баъзи инсонлар ташқи томони суваб қўйилган қабрларга ўхшайди. Бу қабрлар ташқарисидан чиройли кўринсада, ичи хунукдир. Инсонлар ҳам ширин тили, чиройли феъли билан одамларга яхши бўлиб кўринади-ю, аслида тош қалби ва расво аҳволи билан яхшилардан узоқдадир.

Ахир иймонни ушлаб туриш – чўғни ушлаб туришдек қийин. Бизга берилган вақт ҳам охиратда ҳисоб қилинади. Баъзан телефонда валақлашиб гаплашиб, телевизор кўриб, қанча вақтимизни бекорга сарфлаймиз. Аксинча, ана шу вақтимизни Аллоҳ зикрига сарфласак, кунимиз баракотли ўтади. Қилган дуоларимиз ижобат бўлади.

Одамлар ўлчай олмайдиган яна бир соғ ўлчов бор! Бу ўлчов инсоний ўлчовлар каби чегара бил-

майди, оний манфаатларни кўзламайди, кишиларнинг мансабига, давлатига қараб муомала қилмайди. Балки чуқур ҳикматлар, доимий манфаатларни кўзлаган ҳолда, кишиларнинг ихлосига, инсонлигини қадрлаётганига. Бу ўлчовни берган ислом эди, бу исломий ўлчов эди...

Азизим, кишининг ўлимга иймон келтириб, яна қандай қувонаётганига ажабландим. Ҳисоб-китоб бўлишига иймон келтириб, мол-дунё тўплаётганига ажабландим. Дунё ва унинг заволига ишониб, нечук унга хотиржам бўлаётганига ажабландим. Тилида олим, қалбида жоҳил кишидан ҳайратландим. Сув билан ўзини покласа ҳам, қалби покланмаган кишидан ажабландим. Одамлар айбини излаш билан машғул бўлиб, ўзининг айбларидан ғофил қолган кишидан ҳайратландим. Кимнинг орзу-ҳаваси кўпайса, амали холис бўлмайди.

Аллоҳ биз учун яратган неъматларини ҳалол қилди. Бугун апелсин ея туриб фикр қилдим: «Аллоҳ буни нақадар мукаммал яратган. Киши бир неъматни азиз билиб, ардоқлаб Роббисига шукронга кетирсса, Аллоҳ шу неъматни унга баракали қилиб бериб қўяркан».

Биргина кўриш неъматини мушоҳада қилиб кўринг. Бунинг қадрини яхши билиш учун кўзи ожиз кишини кузатиш ёки у билан сұхбатлашиб кўриш керакдир, балки. Ҳар кун кўзимизни очганда дунёни кўра олаётганимиз учун бу неъмат қадри бизга билинмайди. Олимлар ҳанузгача кўз борасида янги кашфиётлар қилишшайпти. Яқинда ўлган кишининг кўзидан у сўнгги кўрган ёзувини ўқий олиши аниқлангани тўғрисида матбуотда мақола чоп этилди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, кўз қиёматда бошқа азолар каби кўрганига ҳисоб берар экан. Бунга биз иймон келтир-

ганмиз. Шуни эслаганимда, доим юрагим ларзага келади. Ахир қанчадан-қанча бекорчи нарсаларга қўз нурини сарфлаймиз. Бунинг жавобини қандай берамиз?!

Тўғри, биз дунёга бир марта келамиз. Лекин шугап давомини наҳотки ўйламаймиз?! Ёки ўйлашни истамаймиз. Дунёга бир марта келиб, ҳар бир неъматдан фойдаланиб, Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳудудларига риоя қилиб яшаган яхшими? Ёки бир марта келамиз деб, барча неъматларни суистеъмол қилиб яшаш яхшими? Дунёда яшаб, охиратга ишонмаган киши нимани қўлга киритади? Ҳар неъматдан фойдаланиш эвазига унга энг муносиб равишда шукр қилиш, бу неъматни керакли жойда, ўрнида фойдаланиш орқали қилинади. Ислом ҳаром қилганлардан кўзни тийиб, ҳалолига, киши ўзи учун, бошқалар учун фойдаси тегадиган ишларда бу неъматдан фойдаланса, ўз-ўзидан бу неъматни унга берган Яратганга шукrona келтирса, унга ибодат қилган бўлади. Ахир ҳаромдан сақланиб, ҳалолдан фойдаланиш ҳам садақа саналади. Садақа эса сизни кулфатлардан асрайди.

ДЕНГИЗ САФАРИ ВА ЙЎЛОВЧИ

Ҳафтада бир маротаба радио эшиттиришлар таҳририятига бориш учун Кадикўй – Эминўну йўналиши бўйича кемага чиқаман. Кемадан тушгач, соҳил бўйлаб уйга қайтаман. Фикр қилиш учун кўп воқеаларга дуч келаман. «Ким кўпроқ билади? Кўп ўқиганми ё кўп эл кезганми?» дейишган улуғ донишманлар.

Дунё денгиз сафарига чиққан кемага ўхшайди. Йўловчиларни олиб манзилига етказади. Ту-

филиш ва ўлиш ... Ҳаёт ва ўлим орасидаги сафар. Инсон табиати ғалати. У ҳар доим нимагадир интилиб ва кимнидир кутиб яшайди. Қалбининг бир бурчаги ҳамиша кемтик. Айтишларича, дунё яралган вақтда Аллоҳ таоло инсон ҳаётининг 99 қунини омадсизлик, ғам-ташвиш булутидан ва фақатгина бир қунини шодлик, баҳт булутидан яратган экан. Шунинг учун бўлса керак, инсон ҳаётининг жуда кўп қисми ғам-ташвиш билан ўтади. Мен бу қун яна ёлғизман. Бу туйфу негадир ҳамиша менинг ҳамроҳим. Мен ундан қутулмоқ истайман. Кўнглимга севинч, шодлик туйфуларини ошно қиласай дейману, лекин юрагимнинг қат-қатида жойлашиб олган ғам-ташвишлар бунга йўл қўймайди. Ногоҳ қалбимга қулоқ соламан. У менга ўз тилида нималарнидир сўзлайди. Мен уни тушунмоқ истайман. Унга ёлвораман. Қалбим! Фақатгина сен мени ёлғиз қолдирма. Бу бемеҳр, ёлғончи дунёда фақатгина сен менинг ишонган меҳрибонимсан. Мени ёлғиз йўловчи сифатида яrim йўлда қолдириб кетма. Мен бу фоний дунёда фақат – қалбим ўзимдан йироқда бўлишидан қўрқаман.

Инсоният бошидан шундай давр ўтаяптики, бу замонда яхшилик ва ёмонлик, бойлик ва камба-ғаллик, соғлик ва қасалликлар кескин фарқли равишда давом этмоқда. Талайгина одамлар буни изоҳлай олмаяпти. Аллоҳ таоло ҳикмати барча маҳлукотни яратиш, тақдирини белгилаш ва шариатни ўз ичига олади. Одамлар Аллоҳ таоло кишининг тақдирли ортида яширинган гайб пардаларини очганлари сайин, бу тақдирнинг нақадар пухта режалаштирилгани ва ундан ортиқчасига эҳтиёж йўқ эканини билади. Чунки одамлар Аллоҳнинг шариатидан йироқ юрган бўлишларига қарамай, узоқ мاشаққат ва қийинчиликлар-

дан сўнгра, ўзлари ва ҳаётлари учун фақатгина Аллоҳ шариатига эргашиш афзал эканлигини тушуниб етадилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло ўзи яратган бандаларини била туриб имтиҳон қиласди. Синов – зарап ва ёмонликлар билан бўлганидек, мол-давлат ва яхшилик билан ҳам синалади. Яхшиликлар билан бўлган синов, ёмонликлар билан бўлганига қараганда қийинроқ кечади. Мўминлар синалганидек, коғирлар ҳам синалади. Бу синовларда Аллоҳ таолонинг етук ҳикматлари бор. Фаровонлик ва зарап, яхшилик ва гуноҳ билан синаш ягона ҳолат эмас. Инсон қилган қилмишларига яраша, лойифини олади. Гуноҳи, залолати туфайли одамлардан интиқом олишга уринади. Балки, буларнинг барчаси унинг учун синовдир. Одамлар шу тарзда ҳидоят йўлини тошишар. Шундай экан, сизни дунё ҳаёти алдаб қўймасин. Бойнинг хасис бўлиши унга берилган жазодир.

Мол-давлатни қанча сақламагин, у тугайди ё озаяди. Савоб амалинг-чи?! У абадий қолади. Аллоҳга осий бўлмаслик – улуғлик. Дунёни охиратдан афзал кўрмаслик эса – ҳакимлик. Дунёсини тарқ этиб, фақат охиратини ўйлаб, амал қилган одам ҳам ёки охиратини тарқ этиб, фақат дунёси учун амал қилган одам ҳам сизларнинг яхшиларингиз эмас. Биз бу дунёда фақир, бечора бўлишдан қўрқамиз. Аммо охиратда фақир,nochор бўлишдан ҳайиқмаймиз.

Қалбда пок туйғулар ва охират қўрқуви бўлган бир пайтда нафснинг ҳавойи орзулари келадида, унинг тинчлигини бузиб, ўзига қўнгилдан бир жой олмоқчи бўлади. Кўрдимки, умр дунёдан тез ўтиб кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ экан. Орзудан кўра узунроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан.

Азизим, қачон тугаши сизга номаълум бир умр ичида кун ва тунларингизни ўтказмоқдасиз. Агар қўлингиздан келса, бу ҳаётингизни солиҳ амаллар билан ўтказинг. Буни ҳам фақат Аллоҳ таолонинг ёрдами билан амалга оширасиз. Ажалингиз сиздан ишлаш фурсатини олиб қўймасдан туриб, имкониятларингизни ишга солинг. Зеро, ажалларини унугтган, амалларини бошқаларга ташлаган кимсалар ҳам бордир. Зинҳор, улар каби бўлманг.

Инсон жамиятда обрў қозонмоқни ихтиёр этса, каттароқ чидам ҳамда саботини намойиш этиши лозим. Шундагина у орзу қилган ҳаётига эришади. Афсуски, буларнинг бирортасига ишониш мумкин эмас. Улар давр ўтиши билан ғойиб бўлади. Аммо яна бир ҳақиқат ҳам борки, арзимаган сабаб билан фоний дунёдан кейин келадиган боқий ҳаёт бизни қарши олади. Бу – Аллоҳ таолонинг синов дунёси, холос... Бир муддат ичида оламлар Сарвари ҳар биримизни синайди. Аллоҳ таоло ҳар бир мавжуудотни ўзига яраша мақсад ила яратган. Ҳар бир дақиқа ўтар экан, манзилга шунча яқинлашаётганимиз исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Агар мол-давлатга кўмилиб қолган инсон Аллоҳга шукр қилмаса, уни маънан бой киши деб бўладими?! Шунинг учун бойлик кўпинчча инсонни алдаб қўядиган фитна дейилади. Ҳақиқий мўминларгина ҳар қандай шароитда бойлик устидан ҳоким бўла олади, бойлик қулига айланиб қолмайди. Аллоҳ таоло инсонни дўзах сари олиб борадиган йўлларни унинг кўзига зийнатлаб қўйган.

Қалбида заррача иймони бор кишилар ўлимни икки дунё оралиғидаги бир ҳолат деб тушунишади. Ҳар бир қийинчилик кетидан енгиллик бордир. Мўмин киши бир дақиқа ҳам Аллоҳ марҳаматидан умид узмайди.

ДЕНГИЗ МАЁФИ СҮНАДИМИ

Үйимиз Кадикўй соҳилларига яқин жойда бўлиб, бизнинг кўча адоги тўғри денгизга туташади. Денгизнинг нариги томонида улкан денгиз маёфи қурилган. Маёқнинг қиззиш, шаффоф нурини томоша қилишни ёшлигимдан ёқтирадим. Бу маёқни адашган кемалар тўғри йўналиш топиши учун ўрнатганмилар? Маёқ нурларининг гўзаллигини таърифлашга тил ожиз. Бу денгиз маёғининг кемаларга айтар сўзи бор: «Менга яқинлаш!» Бу томонда қоялар бор. Ҳалок бўласан!».

Кемалар бу денгиз маёғига қараб, ўз йўлини топишмайди. Аксинча, уни четлаб ўтишади ва қояга урилмай, эсон-омон манзилларига етиб олишади.

Қалбимизнинг ҳам шундай огоҳлантирувчиси бор. Ўйлаб кўринг, нега виждонингиз ҳаром ишга қўл ураётганингизда «Тўхта! Ўзингни ҳалок қилма!» – деб сизни огоҳлантириб туради?

Шундай экан, қўллар гўзаллиги учун саховат, қалб нурафшонлиги учун муҳаббат ва шафқатдан фойдаланинг. Кўзлар чиройи учун ҳаё, овоз майинлиги учун дуони кандо қилманг. Ташқи кўринишга эътибор бергандан кўра, ички қўринишга аҳамият қаратинг. Сабаби, ташқи гўзаллигинизни хоҳлаган пайт ўзгартира оласиз. Лекин ички гўзаллик – қалб гўзаллигини ўзгартириш қийин. Денгиз маёғи сўнмасин, қалбингиздан зиё аrimасин ...

ҚАЙТА ТИРИЛИШ ҲАҚ

Ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишониш иймоннинг бир шартидир. Аллоҳ таолонинг амри билан Исроифил алайҳиссалом иккинчи сур чал-

ганларидан сўнг барча жонзотлар, жумладан, инсонлар тирилади. Уларнинг асл жасадларига рұхлари қайтарилади ва улар қабрларидан чиқиб, маҳшаргоҳга тўпланишади.

Ўлим – инсоннинг дунё ҳаётидаги фаолиятига нуқта қўювчи ва охират ҳаётининг бошланishi ни билдирувчи бир марра. Инсон ўлиши билан унинг охират ҳаёти бошланади. Мўминлар ўлганидан кейин тирилиб, қилган яхши ва ёмон амаллари учун ҳисоб беришларига иймон келтиришлари вожибdir. Амаллар Ҳақ тарозусида тортилиб, яхши амалли, иймонлилар абадий ором маскани – жаннатга киради, иймонсизлар дўзахга ташланади.

Модомики, дунёга келган эканмиз, бу ерда бир қанча исломий, инсоний вазифаларимизни ўтashимиш, Аллоҳнинг буюрганларини бажаришимиз талаб қилинади. Бунга осийлик қилганлар эса Аллоҳ фазаби ва жазосига дучор бўлади. Охиратдаги баҳтли ва осойишта ҳаёт бу дунёда қилган амалларимизга, хайрли ишларимизга боғлиқ. Ўлимдан сўнг қайта тирилишга ишониш – иймон шартларидан бири. Мўминнинг ақли билан кофирнинг ақли шу нуқтада фарқланади.

Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар қилиб юборилганларидан сўнг, Макка аҳдига қайта тирилиш ҳақ эканлиги ҳақида хабар бергандарыда, айрим мушриклар бу хабарни инкор қилган бўлишса, айримлари унга гумон билан қарашиб, бир-бирлари билан шу ҳақда тортиша бошлидилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг бундай тортишишлари нодуруст экани ва эрта бир кун Қиёмат қойим бўлгач, улар бу хабарнинг ҳақ эканлигини билиб қолишлари, аммо ўша кунда уларнинг билишлари ҳам, тавба қилишлари ҳам бефойдалигини таъкидлаганлар.

Инсон боласи ақдіни таний бошлагач, атрофидаги нарсаларни ўрганади. Болага ҳар доим ҳаёт, ўлим ва борлиғимиз ҳақида билимлар беріб боринг. Чунки 3-5 ёшга кирганда бола атрофидаги оламни ўргана бошлайды, саволларига жавоб олишни истайди. Шунинг учун болангизга Аллох, Қуръон, ўлымдан кейинги ҳаёт түғрисида содда тасаввурларни беринг. Шунингдек, фаришталарни ҳам унутманг. Бизни ұмома қиладиган, кузатадиган бу құрингімас борлықтар ҳақида сүзлаш болаларнинг эртак ёки мультфильмдаги салбий образлардан құрққан чоғида қалбларига малхам бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва буюк шахслар ҳаётидан ҳикоялар айтиб бериш ҳам муҳим. Чунки бола катта бўлар экан, ўзига ўрнак қилиб олиш учун идеал шахс қидиради.

Болани дин асосларини ўргатиш билан ҳеч қажон қийнаб қўйманг. Бу ишни болага оғир келмайдиган даражада, фарзандингизга ёқадиган мисоллар келтирган ҳолда қилинг. Мисол учун, мева шарбатини яхши кўрадиган қизимга жаннатда мева шарбатлари оқадиган дарёлар борлигини, улардан истаганча ичиш мумкинligини айтганимдан бери ўлим түғрисидаги тушунчаси шунчалар ўзгардики, ҳатто ўлымдан қўрқадиган бошқа болаларга ҳам ижобий таъсир ўтказа бошлади.

Болани ўшлигидан тўғри тарбиялаб борилса, ҳаётда қийналмай, ўз ўрнини топади. Охират савобини дунёвий ҳаваслардан устун қўяди. Нафсилинг орзуларини ўлдиради. Аллоҳ таоло ҳаёт лаззатларини кесувчи ўлимни кўп эслашимизни буюради. Нима учун? Чунки ҳаром иш қилган инсон нафсинын жиловлай олмаган бўлади. Улар шунчалар нафсилинг қулига айланганки, ўзларини гўё абадий яшайдигандай ҳис қилишади.

Яқинларининг жанозасида тобутни кўтариб, қабристонга қўйиб келиш ва фотиҳа ўқиши билан масалани ҳал қилишади. Ҳа, нафс измида юрган инсон ана шундай кўр-кўронга иш қиласди. Зеро, ким Аллоҳдан қўрқса, Аллоҳ уни сақладайди. Унга ким шукр айтса, У Зот неъматини унга зиёда қиласди. Тақво сенинг кўз қорачифинг, қалбинг жилоси бўлсин.

Шуни яхши билингки, ким Аллоҳ ҳузуридан савоб умид қилмаса, унга ажр ҳам йўқдир.

Пок инсонлар Аллоҳ таолодан қўрқади. Покиза зотлар Аллоҳдан қўрқишади-ю, гуноҳкор қандай қилиб, хотиржам юради? Пок зотлар илми, фазилати туфайли Аллоҳдан қўрқади, гуноҳкор эса ақди камлигидан хотиржам юради.

Инсон умри фақат хуш айёмлардан иборат эмас. Мўмин киши қазосига рози бўлиб, балога сабр қилишга даъват этилган. Тўйда кеча хохолаб кулаётган кимсанинг эртаси куни мусибатхонада йифлаётганини кўрсангиз, бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Чунки туғилиш ва ўлим – ҳақ. Ҳаётда шодлик билан ғам, тўй ва аза аралашдир.

Аллоҳ сабрли бандаларини тангликда қолдирмаслиги, хусусан, мусибат вақтидаги холис дуо ижобат топиши ҳақида башорат бор.

ҲАЁТНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ

Телевизорда ёқимли мусиқа остида муз устида рақс тушаётгандарни томоша қилиб ўтирибман. Муз устида раққослар нозик ҳаракатлар билан рақс тушаркан, мувозанатни йўқотмасликка уринишарди. Бу ҳолат менга ҳаёт, умр йўлларида қоқилмай, мувозанатни сақлаган ҳолда, йўлда давом этишни хотирлатди. Ҳаёт борасида бир

авлиёниг сўзини кўп ёдга оламан: «Агар подшоҳ сени бир вазифа билан бошқа мамлакатга юборсаю, сен бошқа барча ишларингни ҳал қилиб, топширилган асосий вазифани адо этолмасанг, қайтганингда жазоланасан. Агар асосий вазифани адо этсангу, бошқаларини амалга оширмасанг подшоҳ томонидан мукофотланасан».

Бу ерда гап асосий вазифа тўғрисида. Ҳаётнинг асл моҳияти ҳақида. Бизга берилган улуг неъмат – яшаш бахтига шукrona айтиб, унинг асл моҳиятидан узоқлашмайлик.

Оила ташвишларига берилиб, жуфтингиз билан тушунмовчиликка бориб, фарзанд тарбияси билан шуғулланмай қўйсак, нимага эришами? Аллоҳ ризосини шу тариқа оламизми? Роббим розилигига эришиш асл мақсадимиз эмасми? Биласизми, дастурхонда асал ҳам, қалампир ҳам бирдек эъзозли. Тушунган инсон учун жуфтинг камчилклари гоҳ қалампирдек, гоҳ асалдек бўлиб кетаверади. Яхши шахматчи бўлиш учун кучли рақиб билан ўйнаш керак, деган гап бор. Иймон бутлигини, ибодатда хосликни асрашга кучли, сабрли бўлиш, ҳаёт синовлари билан курашиб, уни енгиш лозим.

ИЙМОН ВА ИЛМ – ҲАЁТИМНИНГ ЭГИЗАК ҲАМРОҲИ

Дунёни яхши кўриш – зулмат, унинг тупроғитақво, қабр-зулмат, унинг чироги – калимайи шаҳодат, сирот-зулмат, унинг чироги – иймон.

И моми Аъзам (р.а)нинг ҳузурига бир одам ўғлини ўқишига олиб келган экан. 20 йил ўтибди ҳамки, у толиб деярли ҳеч нима ўрганмабди. И мом Аъзам йигитнинг отасини чақириб айтган эканлар:

– Ўғлингизни олиб кетаверинг. Олим чиқмади ундан. Энди уни олиб бориб ишлатинг. Пул топсин.

Ўғлидан умид қилиб юрган ота шунда дунё-нинг ўша пайтдаги энг катта уламосига шундай деган экан:

– Тақсир, жилла қурса сизчалик бўлмайдими?

Отанинг ҳимматини кўриб, Имоми Аъзам айтган эканлар:

– Сизнинг ҳимматингиз жуда катта экан. Энди ташлаб кетаверинг. Иншааллоҳ, ўғлингиз олим бўлади.

Болани олимликка етаклагани – отанинг холис ҳиммати эди. Шунинг учун ота фарзанд камоли учун Аллоҳдан астойдил сўраши керак.

Қалб зийнати учун кўп илм олиш лозим. Илм – иймонни бут қиласи. Иймони йўқ инсон илм қадрини ҳис қилмайди. Иймон ва илм – гўё эгизакларга ўхшайди. Доим бир-бирини тўлдиради, қалбни баравар қувватлантиради.

Дунёнинг буюк подшоҳи бирор мамлакатга бостириб кирса, аввал ўша давлатнинг энг киборларини хор қилиб ташлайди. Қалб ҳам улкан мамлакат, унинг ҳам ичида Кибр, Бахиллик, Ёмон гумон деган ифлос кибрлар бор. Шу мамлакатга шоҳлар Шоҳи кириб келса борми, уларнинг ҳаммаси ювилиб кетади. Шундай экан, қалбни зийнатлантириш учун кўп зикр қилиш лозим.

Сизлар хоҳлаганча илм ўрганаверинглар. Амал қилмагунимизча Аллоҳ бизга унинг учун ажр бермайди. Ахир аҳмоқлар ҳиммати ривоят қилиш, уламолар ҳиммати риоя қилишдир.

Ишларнинг барчасини Аллоҳга ҳавола қилиш, ҳаётнинг барча ишларида унга суюниш, Ундан мадад сўраш иймондандир. Аллоҳга таваккал қилмоқ мўминлар озуқаси бўлиб, қўрқув чофида

уларни событқадам қилади, олға интилишга ундейди. Бу замонда одамлар ҳайратда қолиб, саросимага тушган. Уларнинг энг катта ташвиши озиқ-овқат фамлаш, миш-миш гапларга қулоқ тутишдир. Агар Аллоҳ бирон бандани ўз ҳолига ташлаб қўйса, на унинг куч-қуввати, на мол-дунёси, на мансаби унга фойда бера олади. Ҳатто бутун дунё кучлари унга ёрдам бериш учун жам бўлсалар ҳам бирон наф келтирмаслар. Бироқ мўмин киши энг оғир лаҳзаларда ҳам Аллоҳ марҳаматига умид қилади. Иймонига птур етказмайди, илм олишни канда қилмайди. Ўрганганларига амал қилиш орқали осуда ҳаётга эришади. Сабр қилган ва ёлғиз Роббимга таваккал қиладиган амал қилувчиларнинг ажр – савоби нақадар яхши.

Илмини йўқотган инсон шамолга учган қофозга ўхшайди. Тақдир шамоли уни турли тўсиқларга учирив боради. Қалбини илм зиёси билан тўлдирган мўмин тақдир шамолларидан ўзини ҳимоя қилади, кулфатга ўзини бошламайди.

Хаёлингизни дунё ҳаваслари билан эмас, Аллоҳ томонидан буюрилган ишларга машғул қилинг. Албатта, ризқ ва ажал бир-бирига яқин бўлган ва аввалдан тайин этилган нарсалардир. Агар инсон саодат аҳлидан бўлса, Аллоҳ таоло унга саккиз йўлни очади. Бу саккиз жаннат эшиги бўлиб, у баҳтиёр инсон, уларни қайсисидан хоҳласа, шунисидан киради. Шунинг учун Аллоҳ таоло мўмин бандасини бирон нимадан маҳрум этса, унга албатта, ундан-да афзалроқ ва манфаатлироқ бошқасини беради.

Агар банда Роббисининг ҳикматига сабр қилувчи ва инсофли бўлганида эди, дунё ва унинг лаззатлари, неъматларидан маҳрум қилишдаги фазли, ато этишидан кўра улканроқ марҳамат экаво.

нини анлаган бўларди. Аллоҳ бандасини нимаданки маҳрум этса, албатта, ниманидир ато этмоқ учун шундай қиласди. Инсонга келадиган бир зарарни еру қўк аҳли бир жойга тўпланиб, ўнгламоққа киришсалар ҳам ўнглай олмас. Аллоҳ амри ва изнисиз ҳеч ким бандасига зарар ва ёмонлик қила олмас. Роббимнинг изнисиз ҳеч ким моддий ва маънавий ҳомийлик қилолмайди. Яъни Аллоҳ ихтиёр этмагунча, ҳеч ким мадад ололмайди. Ҳатто, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шафоати ҳам Аллоҳ изнига тобедир. Сабрли фақир банда дин жиҳатидан бой саналади. Илм эса қалб жилосидир. Кузатганмисиз, кўп гапирадиган инсон суҳбатидан бирор маъни топмайсиз. Мазмунли суҳбатлашишга интилиш лозим. Дунёда ҳам, охиратда ҳам ҳузурли бўлиш шунга боғлиқ. Шуни унутмаслик керакки, кўп гапирган – кўп хато қиласди. Аллоҳни кўп зикр этиш керак. Аллоҳни кўп зикр этувчининг қалбига илм, кўнглига ҳикмат оқиб киради. Зеро, энг буюк мартаба илм саналади. Агар ким инсонларга ўргатиш мақсадида илм таҳсил қиласа, унга етмиш пайғамбар савоби ато қилинади.

Илм амалдан беш жиҳати билан афзалдир:

1. Илм амалсиз ҳам бўлиши мумкин. Амал эса илмсиз бўлмайди.
2. Илм амалсиз ҳам фойда бериши мумкин. Лекин амал илмсиз фойда бермайди.
3. Амал лозим, илм эса чироқдай нурли.
4. Илм пайғамбарлар мақомидир.
5. Илм – Аллоҳнинг сифати. Амал эса бандаларнинг. Аллоҳнинг сифати, албатта, бандаларининг сифатидан устундир.

Олим кишининг уйқуси, жоҳил одам ибодатидан афзалдир. Шуни унутманг, дунё ва охиратнинг яхшилиги-ю шарафи илм билан бўлади. Бит-

та ихлосли олим Роббим наздида минг шаҳиддан афзалдир.

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

– Қиёмат кунида тўрт нафар киши ҳисоб-китобни кўрмасдан жаннат эшиги олдига келтирилади. Улар: 1. Илмига амал қилган олим; 2. Шаҳид киши; 3. Бефасод ҳаж қилган ҳожи; 4. Ҳалол мол топиши касб қилиб, Аллоҳ йўлида риёсиз эҳсон қилган сахий. Булар жаннатга қайси бирлари аввал кириши ҳақида тортишиб қолади. Шунда Жаброил алайҳи васаллам улар ўртасида ҳукм чиқариш учун етиб келадилар. Биринчи бўлиб, шаҳиддан дунёда нима амал қилганини сўрайдилар. Шаҳид:

– Мен жанг майдонида Аллоҳ розилиги учун ўлдирилдим. – дейди.

– Шаҳид савобини кимдан эшитгансан? – деб сўрайдилар.

– Уламолардан, – деб жавоб беради шаҳид.

– У ҳолда муаллиминг олдида одоб сақла. – деб танбеҳ берадилар Жаброил алайҳи васаллам.

Сўнгра ҳожи ва сахий билан ҳам шундай савол-жавоб бўлади. Шунда олим:

– Эй, Роббим! Мен бу илмга сахийнинг саховати билан эришдим-ку? – дейди. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй жаннат эшигингни оч! Бу олим тўғри гапирди. Шунинг учун аввал сахий, сўнг қолган учловлари кирсин», деб амр қиласди.

Жон – танага меҳмон. Инсон дунёда яшаш учун борини йифиб тераяпти. Аммо илм олиш учун ҳам шундай шошилаяптими? Ёки вақт мени кутиб туради, деб ўйладими?

Инсоннинг ҳаётида эгизак ҳамроҳи бор: иймон ва илм. Ана шу ҳамроҳ насиҳатига амал қилган банда ибодатни тирикчиликдан устун қўяди. Роббим газабига учрамайди.

МУНДАРИЖА

«Кундалик»ни ўқиб...	3
Муқаддима	8

БИРИНЧИ ҚИСМ. КУНДАЛИГИМ ТИЛГА КИРДИ

Кўзгу ва қуёш	12
Қалбинг умидини сўндирма	14
Қишига ҳамнафас баҳор	16
Эртанги кун бизники, кеча ҳам	16
Гул ва кул	18
Бир таклиф тўғрисида	20
Майса бағридаги табассум	21
Ўзимни азобга ташлаш	21
Руҳ ва нафс (икки гарип ошиқ)	23
Оқ ва қора	25
Бахтни узоқдан изламанг	27
Эт ва суюк	28
Севишганлар куни	30
Саҳна орти	33
Фабрикалар	34
Туғилган кун	35
Санъат тўғрисида	36
Дилимдаги гаплар	39
Ҳаёт ва хаёл	45
Момоқаддиrok	46
Истеъодод садоси	47

ИККИНЧИ ҚИСМ ФИКР ДУНЕСИ (Ҳаёт ҳикмати)

Дўстимга мактуб	50
Болаликнинг бегубор олами ва	53
Жон ширин	55
Нафс ҳийласига учмаган қалб	57
Бола – азиз, одоби – ундан азиз	61
Бола қалбидаги гўзаллик	62
Ақл – дўст, нафс – душман	64

Борлиқдаги ҳар бир мавжудот ҳикмат билан	
яратилади	67
Азизим, сенга нима бўлди	69
Кўлингизни дуога очинг	72
Ожиз ёки заиф бўлиш аслида нима	72
Инсон қанчалик қурдатли	74
Илтижо	76
Қалб таскини	80
Кўлингизни дуога очинг	82
Дунё неъматлари ва унинг заволи	82
Денгиз сафари ва йўловчи	85
Денгиз маёғи сўнадими	89
Қайта тирилиш ҳақ	89
Ҳаётнинг асл моҳияти	92
Иймон ва илм – ҳаётимнинг эгизак ҳамроҳи	93

Адабий-бадиий нашр

ХУЛИЁ КАРТАЛ

ЁШ ҚИЗНИНГ КУНДАЛИГИ

Мұхаррір
Шаңноза РАҲМОНОВА

Мусаҳҳиқ
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір
Сурайё АҲМЕДОВА

Бадиий мұхаррір
Үйғун СОЛИХОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 23.10.2014 й.да рухсат этилди. Биғими 84x108 1\32.

Босма тобоги 3,125. Шартли босма тобоги 5,25.

Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 243.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриётіда тайёрланди.

Лицензия рақами: АI №198, 2011 йил 28.08 да берилған.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол құчаси, 60.

Мурожаат үчүн телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru